Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• № 134 (20. 701) • 1990 йил 12 июнь, сешанба • Баҳоси 3 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Қайта қуришнинг бориши ва асосий йўналишлари, Ўзбекистон ССРнинг суверенитетини ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш вазифалари, мамлакат ва жумҳуриятнинг янги сиёсий системасида Ўзбекистон Компартиясининг ўрни ва мавқеи ҳақида»ги Сиёсий маърузаси юзасидан Ўзбекистон Коммунистик партияси XXII съезди

РЕЗОЛЮЦИЯСИ

Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди жумҳурият ва умуман бутун мамлакат ғоят қийин, бурилиш даврини бошидан кечираётганлигини таъкидлайди. Қайта қуриш, демократиялаш ва ошкоралик коммунистларни ва барча меҳнаткашларни актив фаолиятга жалб этди, кенг жамоатчилик кучларини ҳаракатга келтирди. Ўтмишни, сиёсий ва иқтисодий системаларни тубдан ислоҳ қилишни қайта идроклашнинг оғир жараёни юз бермоқда.

Миллий сиёсатнинг ленинча принципларидан, халқларнинг тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлигидан чекиниш ўнглаш мумкин бўлган катта зарар етказди. Ўзбекистонга асосан хом ашё базаси деб қараб келинди. Регионнинг ўзига хос ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари ҳисобга олинмади. Зўравонлик билан тазйиқ ўтказиб, пахта монополияси ўрнатилди. Жумҳурият иқтисодиёти бузилиб, хом ашё тусига эга бўлди, комплекс ривожланишга, аҳолининг энг муҳим эҳтиёжлари ва ҳаётий талабларини қондиришга қаратилмади.

Республиканинг сиёсий мустақиллиги расмий декларацияга айланиб қолди. Миллий тараққиёт ва миллатлараро муносабатлар муаммоларига сийқа қарашлар ва юзаки ёндашувлар ўзбек халқининг неча асрлик тарихга эга бўлган маданий қадриятларини, халқнинг урф-одатлари ва анъаналарини менсимасликка олиб келди.

Буйруқбозлик-маъмуриятчилик системаси тазсирида вужудга келган мураккаб вазият бир қанча салбий тенденциялар туфайли чигаллашмоқда. Ижтимоий-иқтисодий тараққиётда жиддий силжиш бўлмаяпти, айниқса, Оролбўйида экология вазияти ёмонлашмоқда. Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли молларига эҳтиёжи қондирилмаяпти. Молия ва пул муомаласидаги номутаносиблик кучайди, одамларнинг турмуш даражаси пасайиб кетмоқда.

Ижтимоий ва миллатлараро низоларни ҳал этиш масалалари ўткир тус олди. Омманинг сиёсийлашуви ва фаоллигининг ўсиши билан бир қаторда ғоявий ва маънавий негизларни бузиб ташлашга уриниш, умумбашарий қоидалар ва қадриятларни менсимаслик кўзга ташланмоқда.

Қайта қуришнинг бошланишида Ўзбекистон Компартияси ўтган ўзини ўзи тозалаш ва соғломлаштириш йўлининг тўғрилигини тасдиқлаб, съезд ана шу йўлни амалга ошириш чоғида йўл қўйилган бузилишларни қоралайди. Ҳалол меҳнатчилар оммасини ёппасига айблаш, кўпгина партия, совет ва хўжалик ходимлари ғайриқонуний равишда ёмонотлиққа чиқарилиши ва асоссиз равишда таъқиб этилиши, халқ хўжалигини бошқаришни қайта қуришдаги ўзбошимчалик халқ елкасига оғир юк бўлиб тушди. Республикага сиёсий иродаси йўқ, Ўзбекистон халқининг манфаати ва қадр-қимматини ҳимоя қилишга қодир бўлмаган шахсларнинг раҳбарлик қилиши ана шундай бузилишларга ва ҳаддан ошишларга ёрдам берди.

Йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни тезроқ ҳал қилиш зарурлиги партия ташкилотларидан ўз сиёсатини тубдан ўзгартиришни, иш шакллари ва усулларини қайта қуришни талаб қилмоқда. Жумҳурият Компартияси сайловолди Ҳаракат дастурида Ўзбекистон ССРни миллий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий жиҳатдан ривожлантиришнинг, меҳнаткашларнинг фаровонлигини оширишнинг асосий йўналишларини белгилаб бериб, бутун кучини ижтимоий режаларни амалга оширишга, омма орасида ташкилотчилик ва мафкуравий ишларни олиб боришга қаратди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташаббуси билан қишлоқ меҳнатчиларига қўшимча ер участкалари ажратиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, уруш ветеранлари ва ногиронларининг, аҳоли камбағал тоифаларининг моддий аҳволини яхшилаш юзасидан кўрилган чора-тадбирларни аҳоли кенг қўллаб-қувватлаб ва маъқуллаб кутиб олди. Президентлик бошқаруви жорий этилганлиги, қонунларнинг бажарилиши, интизом ва жамоат тартибини сақлаш воситаларини мустаҳкамлашга қаратилган қатъий тадбирлар мамнуният билан кутиб олинди.

Натижада вазиятни бошқаришга муваффақ бўлинди. Партия органларининг тўкилган обрўсини тиклаш жараёни бошланди. Одамлар жумҳурият Компартиясига олдингига нисбатан кўпроқ ишонч билан қарайдиган бўлиб қолдилар, Компартияни уюшган сиёсий куч деб билиб, ундан бундан буён амалий ҳаракатларни кутмоқдалар.

* * *

Сиёсий маърузадаги қоидалар ва хулосалар маъқуллансин ва раҳбарлик учун қабул қилинсин, Ўзбекистон ССРнинг янгиланган федерация доирасида сиёсий суверенитет ва иқтисодий мустақилликка эришиши энг муҳим вазифа, жумҳурият ижтимоий-иқтисодий, давлат, миллий ва маънавий тараққиётини жадаллаштиришнинг, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишнинг, меҳнаткашлар турмуш шароитини тубдан яхшилашнинг ҳал қилувчи шарти, деб ҳисобласин.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг ҳисобот давридаги ташкилотчилик иши қониқарли, деб топилсин. Марказий Комитет сўнгги вақтда амалга ошираётган сиёсий йўл маъқуллансин.

* * *

Съезд Марказий Комитет томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Компартиясининг Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар сайловига доир «Ўзбекистон ССР ни миллий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий жиҳатдан ривожлантиришнинг, меҳнаткашлар фаровонлигини оширишнинг Асосий йўналишлари» Ҳаракат дастурини маъқуллайди ва уни жумҳуриятни ривожлантиришнинг амалий йўлларини белгилаш учун Ўзбекистон Компартиясининг расмий режаси сифатида Ўзбекистон ССР Олий Советига тавсия этишни, партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, Советларда, давлат ва жамоат ташкилотларида ишлайдиган коммунистлар куч-ғайратини ана шу дастурни рўёбга чиқаришга қаратишни зарур, деб ҳисоблайди.

Бунда инсон, унинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қаноатлантириш, ахлоқий жиҳатдан камол топтириш партия сиёсатининг марказида бўлиши керак. Бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтишга тайёргарлик кўриш давомида меҳнаткашларни, айниқса ходимлар кам таъминланган тоифаларини, пенсионерлар, ногиронлар, талабалар ва ўқувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирларини ишлаб чиқишга биринчи даражали аҳамият берилсин.

Шу мақсадда иқтисодий сиёсатни амалга оширишда мутлақо янгича ёндашувлар ишлаб чиқилсин, ер, маъдан — хом ашё ресурслари ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотдан фойдаланишда жумҳуриятнинг тўла мустақиллиги, мулкчиликнинг хилма-хил шакллари таъминлансин, халқ хўжалиги комплексининг йўналиши ва структураси ўзгартирилиб, меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан мумкин қадар тўла таъминланишига эришилсин.

Тегишли режаларни ишлаб чиқиш, уларни қонун лойиҳаларини тақдим этиш тарзида жумҳурият Олий Советига киритиш, Қонунлар ва ҳукумат қарорлари орқали бу режаларни амалга ошириш янги шароитда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети фаолияти асосий йўналишларидан биридир.

Съезд омма орасида ғоявий-сиёсий таъсирни кучайтиришни, марксизм-ленинизм таълимотини ижодий идроклаш ва ривожлантириш асосида ижтимоий онгни тарбиялашни Ўзбекистон Компартиясининг энг муҳим вазифаси, деб ҳисоблайди.

Партия комитетлари умумбашарий ахлоқ қоидалари қарор топишига, маънавий турмушнинг барча соҳалари ривожланишига ва софланишига кўмаклашишлари, халқнинг сиёсий ва маданий имкониятларини, ақлий имкониятларини рўёбга чиқаришлари ва кўпайтиришлари, юз бераётган ҳодисаларнинг моҳиятини ва партия сиёсатини англаб олишда одамларга ёрдам беришлари, бу сиёсатни амалга оширишда ўз ўринларини топиб олишлари керак.

Қайта қуришнинг, жамиятни социалистик асосда янгилашнинг амалий мавқеида турган ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар билан мулоқот ва ҳамкорлик қилишни ўрганиш зарур. Шу билан бир вақтда экстремистлик ва ажрамачилик кайфиятларига қатъиян зарба бериш керак.

Съезд маданият соҳасидаги маъмуриятчилик ва буйруқбозликни, уни ривожлантиришга қолдиқ ёндашувларини, ўтмишда йўл қўйилган Ўзбекистон адабиёти ва санъатининг атоқли арбобларини қатағон қилиш ва ёмон отлиққа чиқаришни қоралайди ҳамда Компартия Марказий Комитетининг уларни изчиллик билан оқлаш йўлини қўллаб-қувватлайди. Съезд ўзбек халқининг тарихий ўтмишига, унинг миллий-маданий ва тил меросига аҳидапарастлик билан ва юзаки қарашларга қарши чиқади. Съезд миллий маданияти, унинг маънавий ва ахлоқий қадриятларини тиклашни ўзбек давлат тилини мустаҳкамлаш ва унинг қўлланиш соҳаларини кенгайтиришни Ўзбекистон Компартиясининг энг муҳим вазифаларидан бири деб ҳисоблайди.

Партия ташкилотлари СССРдаги барча халқлар ва жумҳуриятимизда яшовчи барча миллатлар ва элатлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга, фуқароларнинг миллий мансублиги, тили ва диний эътиқодидан қатъи назар уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга кўмаклашадиган миллий ва маданий сиёсатни амалга оширишга биринчи даражали аҳамият беришлари керак. Халқ анъаналари ва урф-одатларини тиклаш, Ўзбекистон халқларининг азалий фазилатлари — меҳнатсеварлик, одамларга ҳурмат, Ватанга ҳалол хизмат қилишни мустаҳкамлаш зарур.

Ўзбекистон Компартияси илмий-материалистик дунёқарашни ҳимоя қилиб ва тарғиб этиб, ўтмишда динга нисбатан йўл қўйилган ўзбошимчалик ҳаракатларини қатъиян қоралайди ҳамда виждон эркинлигини, умумбашарий қадриятларни қарор топтириш йўлида диний ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишни, динга ишонувчилар жумҳуриятнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий турмушида иштирок этишини таъминлашни ёқлайди. Шу билан бир вақтда диний мутаассибликнинг ва чиқиштирмасликнинг, дин ички можароларининг, диний фаолиятни сиёсийлаштиришнинг, хотин-қизларга нотўғри муносабатда бўлишнинг ҳар қандай кўринишларига қарши чиқади.

* * *

Съезд Ўзбекистон Компартиясининг жумҳурият сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги билан бевосита боғлиқ бўлган мустақиллигини бутун чоралар билан мустаҳкамлашни маъқуллайди. Шу билан бирга съезд КПСС билан ташкилий ва ғоявий бирликни ёқлайди, шунингдек партияни парчалаб юборишга ҳар қандай уринишларга қарши чиқади. Компартиянинг фаолиятини тубдан қайта қурмай, янгиламай ва барча соғлом кучларни жипслаштирмай туриб унинг янги мавқеини ҳақиқатан таъминлаш мумкин эмас. Партия комитетлари ва ташкилотлари кенг демократиялаш ва ошкораликка асосланган услуб ва усулларни ўзлаштиришлари зарур. Улар ўз ички турмушлари билан ўралашиб қолмасликлари, одамлар олдига, меҳнат жамоаларига дадил боришлари, уларнинг кайфиятларини яхши билишлари, вазиятни бошқара олишлари, вазият қандай бўлишини фараз этишлари, аҳолини ҳаяжонга солаётган ўткир муаммоларни ҳал қилишдан, барча амалий кучлар билан мулоқот қилишдан ўзларини четга олмасликлари керак.

Амалда партия аъзолари оммасининг ҳокимиятини таъминлаш, бошланғич партия ташкилотларининг ҳуқуқларини кенгайтириш, уларнинг мустақиллигини ошириш, сайлаб қўйиладиган органлар мавқеи ва обрўсини ошириш, қарашларни эркин қиёслаш, масалаларни коллегиал муҳокама қилиш ва қарор қабул қилиш учун шароит яратиш лозим бўлади.

Съезд партиянинг барча бўғинларида интизомга риоя қилиш, демократия централизми қоидаларини янада ривожлантириш, камчиликни ташкил этувчи гуруҳлар ва ҳар бир коммунист фикрини ҳурмат қилиш, партиявий ўртоқликни сақлаш зарурлигини таъкидлайди.

Партия учун янги вазиятда Марказий Комитет, вилоят, шаҳар ва район комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари кадрлар сиёсатини қайта кўриб чиқишлари, ишда расмиятчилик-номенклатура ёндашувларидан воз кечишлари лозим. Компартия позицияларида турган номзодларни тавсия этиш, Совет ҳокимияти ва давлат бошқаруви органларида, мафкуравий муассасаларда уларнинг асосий лавозимларга сайланиши ёки тайинланиши учун курашиш ҳуқуқидан фойдаланиш керак.

Съезд сиёсий кучларнинг ажралиши кучайиб бораётган шароитда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг диққат-эътиборини халқ депутатлари Советларида, касаба уюшмаларида, ёшлар ҳаракатида ва бошқа жамоат тузилмаларида партия сиёсатини амалга оширишнинг шакллари ва усулларини ишлаб чиқишга қаратишни зарур деб ҳисоблайди. Бу шакллар ва усуллар амалий мулоқотга, ижтимоий-тараққиёт муаммоларини ҳал этиш режаларини биргаликда ишлаб чиқишга, уларнинг ташаббуси ва мустақиллигини қўллаб-қувватлашга асосланиши керак.

Партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари тугалланган ҳисобот-сайлов кампаниясидан сабоқ чиқариб олишлари, тўпланган тажрибани мустаҳкамлашлари зарур. Ҳисобот ва сайловлар чоғида тушган барча таклифлар ва танқидий мулоҳазалар юзасидан узил-кесил чора-тадбирлар кўрилсин, аҳолининг энг муҳим талаб ва эҳтиёжларини қаноатлантириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга биринчи навбатда эътибор берилсин.

Съезд шуни таъкидлайдики, давлат, хўжалик ва маданий қурилишнинг барча соҳаларидаги коммунистлар партия йўлини қатъият билан ўтказишга, топширилган иш учун масъулият намунасини кўрсатишга, ўз ишлари билан КПСС обрўсини оширишга мажбурдирлар. Ҳозирги пайтда коммунистлар учун жумҳуриятни миллий ва ижтимоий тараққиётнинг сифат жиҳатдан янги марраларига олиб чиқиш учун барча соғлом кучларни жипслаштиришдан кўра муҳимроқ вазифа йўқ.

КПСС XXVIII съезди делегати



ЁРУҒ НУР СЕЗГИСИ

I. Катта анжуманлар олдидан кишининг ҳаёлидан нималар кечмайди, дейсиз. Айниқса, ушбу анжуманларда кўтариладиган муаммолар, долзарб вазифалар бевосита сенинг тақдирингга, сен билан бақамти ишлаётган, девор-дармиён яшаётган ҳамкасбларинг, ҳамаслакларинг, боринг-ки ҳамгўша-ю, ҳамюртларинг тақдирига дахлдор бўлса, уларнинг яшаш тарзига, турмуш фаровонлигига ижобий таъсир ўтказса, ўзингда сўз билан ифодалаб бўлмайдиган қандайдир кайфият пайдо бўлади, енгил тортасан, ҳар қандай юмушга ақл-заковат ва катта куч-ғайрат билан киришасан.

Ўзбекистон коммунистларининг яқинда ўтказилган улкан анжуманидан кейин ғузорлик Санобар Муродованинг (суратда) ҳаёлидан ана шундай ўйлар кечди. Анжуманда айтилган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва социал муаммолар ва уларни бартараф этишнинг аниқ йўл-йўриқлари ҳақидаги ранг-баранг мулоҳазаларни ўз хўжалиги — «Партия XXII съезди» колхози, қолаверса олти йилдан буён ўзи етакчилик қилаётган пахтачилик бригадаси шарт-шароитларига чоғиштириб кўради. Ҳар гал истиқбол сари қандайдир бир ёруғ нур ўтаётганлигини дилдан сезади...

Ўзбекистон Коммунистик партияси XXII съездининг бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш масаласи хусусида

РЕЗОЛЮЦИЯСИ

Ўзбекистон Компартияси XXII съезди бозор муносабатларини жорий этиш объектив зарурат эканлигини эътироф этиб, бозор иқтисодиётига бутун халқ қўллаб-қувватлаган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирлари мажмуи билан бориш керак, деган мавқеида қаттиқ туради.

СССР ҳукуматининг таклифларида мулкчиликнинг, иқтисодий масъулият ҳамда регионларнинг марказ билан ўзаро муносабатларининг, корхоналар мустақиллигининг, маҳсулотларни тенг айирбош қилиш асосларининг, аҳоли ижтимоий муҳофаза қилинишининг ва бозор иқтисодиёти ҳуқуқий жиҳатдан таъминланишининг кўпгина принципиал масалалари тўла-тўкис ҳал қилинмаган.

Жумҳурият партия ташкилотларида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов кампанияси давомида, партия XXII съездида бозор иқтисодиёти қоидаларига ўтиш масалалари юзасидан кенг фикрлашиш бир қанча принципиал муаммоларни кўрсатиб бердики, уларни ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

Ўзбекистон Компартияси жумҳурият аҳолиси кўпчилигининг фикрини ифодалаб, бозор иқтисодиётига ўтишни жадаллаштириш зарурлиги тўғрисидаги фикрни бутунлай рад этади. Аҳолининг ярмини кам таъминланган тоифа ташкил этадиган ва бир миллионга яқин ишсизлар бўлган Ўзбекистон ССР шароитида бозор иқтисодиётига ўтишни жадаллаштириш халқнинг турмуш даражаси кескин пасайиб кетишига, ижтимоий-сиёсий вазиятнинг кескинлашувига олиб бориши мумкин.

Ўзбекистон Компартияси съезди бошқариладиган бозор иқтисодиётига таркиб топаётган ижтимоий—иқтисодий вазиятни, жумҳуриятнинг регионал хусусиятларини, унинг бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги мамлакатнинг бошқа регионларига нисбатан ахволини ҳисобга олиб босқичма-босқич ўтишни ёқлайди.

Съезд улгуржи, харид ва чакана нархлар ислоҳоти бир вақтда амалга оширилиши керак, деб ҳисоблайди. Жумҳурият коммунистлари Ўзбекистон ССРда нон маҳсулотларини истеъмол қилиш хусусиятлари ва даражасини ҳисобга олмай ва нарх ортишидан келадиган зарарни аҳолига тўла-тўкис тўламай туриб, шу йил июль ойидан нон чакана нархининг бир томонлама оширилишига қатъий эътироз билдирадилар.

Съезд Ўзбекистон ССР Министрлар Советидаги коммунистларга жумҳуриятнинг бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш шартлари ва тартибини белгилаб берадиган ва Ўзбекистон ССР фуқароларини ижтимоий жиҳатдан ишончли ҳимоя қилишни кўзда тутадиган зарур қонун лойиҳалари ва норматив ҳужжатлар мажмуини тайёрлаб, жумҳурият Олий Советининг навбатдаги сессияси муҳокамасига қўйишни топширади.

Съезд ислоҳотнинг аҳамияти, мақсади ва вазифаларини кенг халқ оммасига тушунтириш чораларининг кенгайтирилган системасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур, деб ҳисоблайди. Хом ҳаёлларни вужудга келтирмай ва чўчитмай, бўлажак ўзгаришларнинг моҳиятини халққа холисона кўрсатиб бериш жуда муҳимдир. Одамлар яқин йилларда қандай қийинчиликларни бошидан кечиришларини аниқ-равшан англаб олишлари, бу қийинчиликларни онгли равишда зиммаларига олишлари, уларни бартараф этиш йўлларини ва истиқболни аниқ кўра билишлари керак.

Съезд КПСС XXVIII съездига жумҳурият партия ташкилотларидан сайланган делегатларга бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш масаласида Ўзбекистон коммунистларининг принципиал мавқеини съезд қатнашчиларига етказишни ҳамда бу мавқе съезд қарорларида акс этишига фаол кўмаклашишни топширади.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Л. Н. НАСТЮКОВАНИ ҲУРМАТ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Юқори малакали ишчилар тайёрлашга катта ҳисса қўшганлиги учун СССР Атом энергетикаси ва саноати министрлигига қарашли 29-ҳунар-техника билим юртининг директори Ўртоқ Любовь Николаевна **Настюкова** Ҳурмат ордени билан мукофотлансин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 11 июнь.

Дунё овози

СОФИЯ. Якшанба куни бу ерда буюк халқ мажлисида ўтказилган сайлов биринчи даврасининг натижалари компьютер ёрдамида таҳлил қилинганига кўра, Болгария социалистик партияси (БСП) олинган овозлар миқдори жиҳатидан мамлакатнинг бошқа сиёсий кучларидан олдинда бормоқда. Тунги иккигача тушган овоз беришнинг қисман якунларига баҳо бериш асосида Ғарбий Германия жамоатчилик фикрини тадқиқ этиш институтининг мутахассислари БСПни ёқлаб, сайловчиларнинг салкам 48 фоизи, оппозициядаги демократик кучларни ёқлаб қариб 33 фоизи, Болгария деҳқонлар халқ уюшмасини ёқлаб 8 фоиздан кўпроғи овоз берди, деган хулосага келди.

ПРАГА. ЧСФРда парламент сайловининг дастлабки якунлари эълон қилинди. Марказий сайлов комиссиясининг маълумотларига кўра, сайловда «Фуқаролар анжумани» уюшмаси ва «Зўравонликка қарши жамоатчилик» ғалаба қозонди. ЧСФР федерал мажлиси халқ палатасига ўтказилган сайловда Чехия республикасидаги «Фуқаролар анжумани» овозларнинг 53, 15 фоизини олди. ЧКП иккинчи ўринни эгаллади ва уни ёқлаб сайловчиларнинг 13, 48 фоизи овоз берди.

ЛИМА. Якшанба куни Перуда террорчиларнинг сайлов қилиб кириш тўхтамаётганлиги билан боғлиқ фавқулодда хавфсизлик тадбирлари кўрилган вазиятда президент сайловининг иккинчи даврасида ғолиб бўлиб ўтди. Олий давлат лавозими учун «Ўзгариш—90» мустақил гуруҳининг раҳбари Альберто Фухимори (у такрорий овоз беришдан олдин сўл кучлар ва ҳукмрон Перу апристлар партияси томонидан қўллаб-қувватланди) ва «Демократик фронт» ўнг марказ блокидан номзод машҳур ёзувчи Марио Варгас Льоса кураш олиб бордилар. Дастлабки норасмий маълумотларга кўра, А. Фухимори овозларнинг тахминан 7 фоизи ҳисобида устунликка эришди. Бироқ бюллетенларни расмий ҳисоблаб чиқиш тугагандан кейин ғолиб мутлақ ишонч билан айтилиши мумкин. Шунга қарамай М. Варгас Льоса ўзининг маглуб бўлганлигини эътироф этди ва рақибини ғалаба билан табриклади.

(ТАСС, 11 июнь).

● Ўзбекистон ССР Олий Советида

ҲАЁТ ТАҚОЗОСИ БИЛАН

● Олий Совет сессияси арафасида тўпланган депутатлар доимий комиссиялари мажлисларини «иш» деган бир сўз билан тўла ифодалаш мумкин. Бу ерда материалларни чуқур ўрганишни ҳам, ўткир баҳсларни ҳам, халқ ўз вазифалари, умидлари ва орзулари йўлида ечимларни биргаликда излашни ҳам кўриш мумкин.

Бу осон иш эмас. Бунинг устига вақт тиғиз: жумҳурият давлат ҳужжатларининг бутун бир мажмуини кутмоқдаки, бу ҳужжатларсиз қайта қуриш тақозо этган йўлдан ҳаракат қилиш мумкин эмас. Ҳолбуки, навбатдаги сессия очилишига саноқли кунлар қолди.

Зотан, комиссиялар сайловчиларнинг наказларини эътиборга олиб, турли муаммоларга доир мутахассисларни жалб этиб, жамоат ташкилотлари вакиллари билан маслаҳатлашиб, ғайрат билан ишламоқдалар. Сессиянинг иши қанчалик самарали ва фойдали бўлиши лойиҳаларнинг кенг миқёсда муҳокама қилинишига, комиссияларнинг билимдонлигига боғлиқ.

Аграр масалалар ва сув хўжалиги комиссиясининг мажлиси худди шундай ўтди, унда Ўзбекистон ССРнинг ер тўғрисидаги қонуни лойиҳаси муҳокама қилинди. Бу соҳада «ер — умумхалқ мулки» деган асосий таърифдагина ҳамманинг фикри бир хил бўлди.

Баҳсларга келганда эса, гап ана шу қоидани қандай қилиб тўлароқ, адолатлироқ, самаралироқ амалга ошириш тўғрисида борди. Аграр соҳа ходимларининг ҳам, иқтисодчилар, экологлар, ҳуқуқшуносларнинг ҳам асосий ташвиши худди шунда...

СССР Конституциясига ва Ўзбекистон ССР Конституциясига, бошқа давлат йўл-йўриқларига мувофиқ равишда янги Қонуннинг турли жиҳатлари республиканинг аниқ ўзига хос жиҳатлари ва халқ анъаналарига мослаштирилди. Ер муносабатларини тартибга солишда барча даражадаги Советларнинг ваколатлари, ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари, табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари, давлат кадастри, ер тузилиши жумҳуриятнинг ўзига хос жиҳатларига ва халқ анъаналарига мувофиқлаштирилди...

Шуниси диққатга сазоворки, ерларнинг қадр-қиммати, хўжалик юритишнинг илғор шакллари тўғрисидаги янги тасаввурлар ҳам янги Қонун лойиҳасида ўз ифодасини топди.

Мажлис қатнашчилари ер жамиятга тўла-тўкис хизмат қилиши, ҳақиқий меҳнатчини қувонтириши, жамият эса ўз навбатида ерни ардоқлаши лозимлиги ҳақида ғамхўрлик қилиб, Қонуннинг ҳар бир моддасига аниқлик киритдилар, такомиллаштирдилар ва бу ишни сессиягача давом эттирадилар.

Доимий комиссиялар кун тартиби СССР ва иттифоқдош республикалар Қонун чиқарувчи органлари фаолиятидаги узвий алоқаларни акс эттирди. Масалан, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари — соғлиқни сақлаш, хотин-қизлар ишлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш комиссиясининг аъзолари 1990 йил 10 апрелдаги СССР Олий Совети ҳужжатининг ҳаётбахш кучини мамнуният билан таъкидладилар. Гап СССР Президенти М. С. Горбачев ташаббуси билан қабул қилинган «Хотин-қизларнинг аҳволини яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилани мустаҳкамлашнинг кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳақида бормоқда.

Ана шу қарорда кўзда тутилган айрим тадбирлар юзасидангина жумҳуриятимиздаги оналар қўшимча равишда йилига 185 миллион сўм оладилар.

«Умумиттифоқ миқёсида» бошланган ғамхўрлик жумҳуриятимизда ривожлантирилганлиги қувончлидир. Пахта якка ҳокимлиги бартараф этилиб, томорқа участкалари ажратиш ва мавжуд томорқаларни кенгайтириш, бошқа тадбирлар туфайли юз минглаб оилалар шубҳасиз фойда ва афзаллик оладилар. Шу кунларда яна бир қадам қўйилди. Булар Ўзбекистон Компартияси сайловолди Ҳаракат дастурига мувофиқ амалга оширилмоқда.

Масалан, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримовнинг Фармони билан 1 июлдан кўп болали оналарга нафақа миқдори икки баравар кўпайтирилди. Бу тадбир учун йилига 74,5 миллион сўм сарфланади. Беморларни амбулатория шароитида даволаш учун текин дори-дармонга яна 54 миллион сўм ажратилади. Оролбўйидаги тиббий стационарларда овқатланиш ва дори-дармонлар сотиб олиш учун нормалар оширилди. Бу ва бошқа аниқ чора-тадбирларга халқ муносиб баҳо берди.

Лекин иш айрим тадбирлар давлат ҳужжатлари мажмуи билан биргаликда ишлаб чиқилиши керак, республиканинг қонун чиқарувчи олий органи ҳозир ана шу давлат ҳужжатлари мажмуини тайёрлаш устида иш олиб бормоқда.

Қонун чиқарувчи олий орган қарорларининг бажарилишини назорат қилиш доимий комиссиялар фаолиятида муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон ССР Олий Совети биринчи сессиясининг «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги СССР Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифлари ёшлар ишлари комиссияси мажлисининг диққат марказида бўлди.

Бу масалани муҳокама қилишдан олдин халқ вакиллари жамоат ташкилотлари билан биргаликда катта ишларни амалга оширдилар.

Масалан, депутатлар гуруҳлари юртдошларимиз хизмат қилаётган бир қанча ҳарбий қисмларда бўлдилар. Бу ерда ҳарбий тайёргарликнинг шакллари ва усуллари, маиший шароитлар, тарбия жараёнлари ўрганилди. Бу ишга етарли эътибор берилаётган жойларда армия коллективи ҳаёт мактабига, шахс камол топадиган мактабга, байналмилалчилик мактабига айланмоқда.

Аммо жиддий хавотирлик уйғотадиган фактлар ҳам бор. Бир қанча ҳолларда интизом сусайиб кетган, ўқув ва тарбиявий ишларни ташкил этишда расмиятчилик, баъзан эса бераҳмлик, совуққонлик намоён бўлмоқда, шунингдек машъум «қариялиққа» ҳамма жойда ҳам барҳам берилган, деб бўлмайди. Армиянинг ўзи фавқулодда воқеаларга тегишли равишда қатъий баҳо бермоқда — ҳарбий прокуратуранинг маълумотларига кўра, уставни бузишда, қонун ва аҳлоқ нормаларидан чекинишда айбдор бўлган шахслар қаттиқ жазоландилар. Бир қанча фавқулодда ҳодисаларнинг сабабларини кўпгина ёшларнинг ҳарбий хизматни ўташга суст тайёргарлик кўрганлигидан излаш лозим. Депутатлар, ҳарбий қисмлар ва ҳарбий комиссариатларнинг ходимлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари бундай ҳодисаларнинг «дастлабки тарихини» ўрганар эканлар, бўлажак жангчиларни жисмоний жиҳатдан тайёрлашда муҳим камчиликлар ва нуқсонларни, армияга чақирувчи комиссияларнинг совуққонлиги ва эътиборсизлигини аниқламоқдалар. Масалан, ҳарбий комиссариатлар кўпинча ёшларнинг жанговар қисмларда хизмат қилиш муддаосига қулоқ солмайдилар ва уларни қурилиш отрядларига юборадилар. Бироқ бу иш ҳам аслида расмиятчилик билан, бўлажак ҳарбий қурувчилар ҳақида зарур даражада ғамхўрлик қилмай амалга оширилади. Шуни рўй-рост айтиш керакки, бир қанча қурилиш отрядларида зарур тартиб йўлга қўйилмаган.

Мажлисда, жумладан, бўлажак ҳарбий қурувчиларни армияга чақиришдан олдин уларнинг ҳоҳишига кўра муайян муддатга ҳунар-техника билим юртларида ўқишга таклиф этиш тўғрисидаги таклиф билдирилди. Шундай қилинганда, улар хизмат жойига маълум даражада малакага эга бўлиб борадилар. Айни пайтда Ўзбекистонда, масалан, қурилиш индустриясининг қувватларини оширишда, уй-жой билан таъминлаш программасини бажаришда қурилиш батальонларининг ёрдамига бажонидил таяниши мумкин бўлган қурилишлар борлиги айтилди.

Шу муносабат билан ана шу йигитларга ўзлари туғилиб ўсган ўлкаларда, Туркистон ҳарбий округининг қурилиш отрядларида хизмат қилиш имкониятини бериш фикри туғилди. Мазкур фикрни ҳозирдаёқ тегишли ҳарбий идоралар қўллаб-қувватлаганлиги қувончлидир.

Буларнинг ҳаммаси жумҳурият Олий Совети ва Министрлар Кенгаши, Ўзбекистон хотин-қизлари кенгаши, бошқа жамоат ташкилотларининг СССР Олий Советига ва унинг комитетларига, иттифоқ ҳукуматига, тегишли идораларнинг вакилларига йўллаган мурожаатномаларида ўртага қўйилган бир қанча масалалар ҳам ижобий ҳал этилишига умид уйғотади. Ана шу мурожаатномаларда умумий ҳарбий мажбурият тўғрисидаги Қонунни такомиллаштириш ҳақида ҳам, шунингдек бир қанча конкрет ҳолатлар ва таклифлар тўғрисида ҳам гап боради.

...Барча доимий комиссияларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборат бўлдики, улар конкрет муаммоларни муҳокама қилар эканлар, янги-янги масалаларни аниқламоқдалар ва ўртага қўймоқдалар.

Е. ЕФИМОВ,
ЎзТАГ шарҳловчиси.

ҲАММАНИ НОММА-НОМ ЭСЛАЙЛИК

Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлганларнинг Хотира китоби яратилади

Қудратли салют садолари бутун дунёни совет халқи улуғ Ватан урушида немис-фашист босқинчилари устидан тарихий ғалаба қозонганидан хабардор қилган шонли кунга 45 йилдан ошиб кетди.

Совет кишилари, бутун тараққийпарвар инсоният ўз Ватанининг шон-шарафи, озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилган, дунёни фашистлар асоратидан сақлаб нолган жангчиларнимизнинг мислсиз қаҳрамонлиги олдида таъзим қилади.

Бўлиб ўтган уруш давлатимизга ва совет халқига жуда катта зарар етказди. Лекин миллионлаб совет кишиларининг ҳалок бўлганлиги энг катта, ўрнини тўлдириб бўлмайдиган жудолик бўлди. Ватандошларимизнинг улкан меҳнати билан мамлакатимиз халқ хўжалиги тикланди, завод ва фабрикалар, уйлар қайтадан барпо этилди. Аммо маккор ва манфур душман билан қақшатқич жангларда ҳалок бўлганларни ҳеч қачон ҳаётга қайтариб бўлмайди.

Бутун совет халқи билан биргаликда Ўзбекистоннинг юз минглаб ўғил ва қизлари Улуғ Ватан уруши жанггоҳларида жанг қилдилар. Лекин ғалабагача омон қолиш ва она юртига қайтиш бахти ҳаммага ҳам насиб этмади. Кўп минглаб ўзбекистонликлар қаҳрамонларча ҳалок бўлдилар, бедарак кетдилар, фашистлар асирлигида вафот этдилар. Зеро, сир эмаски, урушда бедарак кетган ўғли, ака-укаси, эри ҳақида хабарнома олган кўпгина оилалар узоқ йиллар давомида нафақат жудолик қайғусини, балки оғир ранж-аламни ҳам ўз қалбларида сақлаб келдилар: уларнинг туғишганлари жанговар шуҳрат солномасидан бамисоли ўчириб ташланган эди. Ахир, фронтда кўпинча шундай даҳшатли ҳоллар юзага келардики, ҳарбий идоралар қаҳрамонларча ҳалок бўлганларнинг кўпларини рўйхатга олишга ҳам улгурмас эди. Қуршов шароитида асирга тушиб қолган минглаб жангчилар ҳисобдан четда қолган эди.

Ҳозир партия томонидан эълон қилинган қайта қуришнинг илҳомбахш йилларида ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларида ошкоралиқни жорий этиш пайти келди. Энди биз урушда ҳалок бўлганларнинг қанчалигини аниқлашгагина эмас, балки уларнинг ҳаммасига номма-ном таъзим қилишга, уларни халқнинг ўчмас хотирасида муҳрлашга қодирмиз ва шундай қилишимиз керак. КПСС Марказий Комитети томонидан маъқулланган Бутуниттифоқ Хотира китобининг яратилиши ана шу олижаноб мақсадга қаратилган.

Бутуниттифоқ Хотира китоби қандай бўлади?

Областларга бўлинмайдиган барча республикаларда, ўлка ва областларда Улуғ Ватан уруши йилларида ҳалок бўлганларнинг исми-шарифи битилган хотира китоблари яратилади.

Республикамизда, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарорига мувофиқ, барча областларда, Қорақалпоғистон АССР ва Тошкент шаҳрида хотира китоблари нашр этилади. Республикада Ўзбекистон халқи барча совет кишилари билан биргаликда душман устидан Буюк Ғалабага замин яратгани хусусидаги йиғма статистика материаллари бўлган китоб босиб чиқарилади. Республика Хотира китоби Тошкентда, Халқлар дўстлиги музейида абадий сақланади.

Барча область, республика ва Бутуниттифоқ хотира китоблари Москва шаҳрида, Улуғ Ватан уруши музейида сақланади. Хотира китоби яратилишини Ғалабанинг 50 йиллиги кунида тугаллаш мўлжалланган.

Хотира китобини яратиш техник иш, одатдаги матбаачилик тадбири эмас. У ноёб, табаррук китоб бўлади, уни тайёрлашда бутун халқ иштирок этади. КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бу ишда фаол иштирок этиши учун ҳарбий комиссарликлар, комсомол, ветеранлар ва бошқа жамоат ташкилотларини, бутун халқни жалб этишни тавсия этади.

Республикамизда партия ташкилотининг раҳбарлиги остида Бутуниттифоқ Хотира китобини тайёрлашга доир иш кенг авж олдириб юборилди. Барча областлар ва Қорақалпоғистон АССРда таҳрир ҳайъатлари тузилган бўлиб, улар ҳалок бўлган ва бедарак кетган жангчиларнинг рўйхатини тузиб чиқиш бўйича махсус тузилган район комиссияларининг ишини бошқармоқдалар. Тошкентда республика илмий-методик маркази ишалб турибди, у область хотира китобларини, шунингдек, Ўзбекистон ССР Хотира китобини нашр этишга тайёрлашга доир бутун ишни мувофиқлаштиради.

Гарчи, ҳарбий комиссарликлар рўйхатларни тузишда дастлабки манба бўлсаларда, лекин улар ҳарбий талафотлар хусусида батафсил маълумотларга эга эмаслигини ҳисобга олиш керак. **Биз ҳалок бўлган ва бедарак кетган жангчиларнинг ҳаммасини номма-ном айта олишимиз ҳамда уларни Хотира китобига кирита олишимиз учун барча шаҳар, поселка ва қишлоқларда хонадонма-хонадон кезиб . чиқишимиз лозим бўлади.** Хонадонларни сўраб чиқишга комсомол ташкилотлари, мактабларнинг юқори синф ўқувчилари, ветеранлар ва бошқа жамоат ташкилотларининг фаолларини жалб этиш лозим.

«Ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилган эмас» шонли шиори Бутуниттифоқ Хотира китобини тайёрлашга доир қатта ишимизда ўзининг аниқ ифодасини топиши лозим.

Ҳалок бўлган ва бедарак кетган жангчиларнинг рўйхатларини маҳаллий матбуотда — шаҳар, район ва кўп тиражли газеталарда эълон қилиш тавсия этилади.

Вақтдан фойдаланиб, мен барча газетхонларга — урушда ҳалок бўлган ва бедарак кетган жангчиларнинг қариндошларига — улар тўғрисидаги тегишли маълумотларни яшаш жойидаги район ҳарбий комиссарликларига етказишларини илтимос қиламан.

Биз ишонамизки, партия ташкилотлари раҳбарлигида, касаба союзлари, комсомол, уруш ва меҳнат ветеранларининг, шунингдек, азиз газетхонлар, сизларнинг фаол иштирокингизда шон-шуҳратни деб эмас, балки Ер юзида ҳаёт давом этишини деб жонини фидо қилганларга совет кишилари буюк миннатдорчилигининг рамзи, бўлган Хотира китобини ярата оламиз.

Р. ҒУЛОМОВ,
республика Хотира китоби редакцион ҳайъатининг раиси, Ўзбекистон ССР уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашининг раиси, СССР халқ депутати.

● МОСКВА

Режиссёр Владимир Наумовнинг «Қонун» деб аталган янги бадиий фильмининг дастлабки кўринишларидан бири СССР прокуратурасида бўлганлиги тасодифий эмас. Сталин вафотидан сўнг қатағон қилинган кишиларни оқлаш билан шуғулланишларига тўғри келган терговчи ва прокурорнинг ишлари тўғрисидаги ҳикоя ушбу фильмга асос қилинган. СССР прокуратурасининг раҳбариятидан суратга тушириш гуруҳига ишончли материалларни излаб топишда катта ёрдам берди.

ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ

● НИКОЛАЕВ

Самолётлар учиб-қўнадиган «Тбилиси» крейсери «Қора денгиз кемасозлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг кемалар турадиган жойидан йўлга чиққан эди. У Севастополь томон йўл олди. Сузувчи аэродром Қора денгизда катта текширув синовларидан ўтиши керак бўлади. Синовлар программаси тугаганидан сўнг «Тбилиси» кўчма аэродроми ҳарбий-денгиз флоти сафларини тўлдиради.

● ВЛАДИКАВКАЗ

Чернобиль АЭСидаги авария натижасида азият чеккан Белоруссия районлари болаларининг дастлабки гуруҳини Шимолий Осетия АССРда кавказликларга хос меҳмондўстлик билан кутиб олдилар. Болалар «Терек» ва «Урдон» касаба уюшмаларининг шинам туристик базаларига жойлашдилар. Улар мана шу ерда бир ой дам оладилар. Мухтор жумҳурият шифохоналари белоруссиялик яна минг нафар болани ўз бағрига олишни режалаштирмоқда.

(ТАСС).

● КПСС XXVIII съезди делегати

ЁРУҒ НУР СЕЗГИСИ

II. Санобарларнинг бригадасида 25 колхозчи бор. Улар 55 гектарлик майдонда ризқ-рўз ундиришади. Бригада пахтачиликка ихтисослаштирилгани туфайли асосий майдонларга чигит экилади. Ўтган йили план бўйича ҳар гектаридан 26,5 центнердан «оқ олтин» топшириши керак эди. Бригада азаматлари астойдил меҳнат қилишиб, ҳосилдорликнинг 35 центнерга етказишди.

Бир товуққа ҳам дон керак, ҳам сув керак, деган нақл бор. Шу боис бригадада баҳоли қудрат полиз, сабзавот ва бошқа экинлар ҳам экилади. Бу йил бригада аъзоларининг ташвиши дейсизми, қувончи деймизми, янада кўпайди. Шахсий хўжаликларга томорқа ажратилгандан кейин бригада ичида «мини» (кичик) бригадалар—шахсий томорқа муаммолари ҳам пайдо бўлди. Бу хўжаликларни ривожлантиришда ҳам район Советининг депутати, Қашқадарё область партия комитетининг аъзоси Санобар Муродованинг хизматлари катта.

Суратда: бригада саркори С. Муродова механизатор И. Турсунов, агроном Н. Қораев билан.

ЯНГИЛИККА КАФОЛАТ ЗАРУР

ёки олимлар ҳал қилган илмий ишланмалар вақтида ҳаётга татбиқ этилмаётганлиги ҳақида

Агар бу қурилмадан фойдаланилса:

— чигит экиш мавсумида оғир қўл меҳнати 90 фоизга қисқаради, заҳарли кимёвий воситалардан кишилар соғлиғига етадиган зарар бартараф этилади;

— ҳар гектардан 30—50 килограмм чигит тежалади;

— одатдагига қараганда 3—5 кун олдин чигит 100 фоиз униб чиқади;

— 30 фоиз сув иқтисод қилинади;

— гектар ҳисобига ҳосилдорлик 2 центнерга ортади;

— пахтанинг юқори навли миқдори терим пайтида 15 фоиз кўпаяди;

— тупроқнинг заҳарли кимёвий моддалари билан ифлосланиши кескин камаяди;

— экиш мавсуми 5—7 кунга қисқаради.

Ана шундай самарадорликка дуккакли экинлар ва сабзавотчиликда ҳам янги қурилмани қўлланиш билан эришиш мумкин. Бу қандай қурилма? «УКОС—3» —бу, русчада уруғликка кавитацион ишлов бериш қурилмаси дегани, экишдан олдин ишлатилади. Чигит, уруғлик қурилма ичидаги сув заррачалари орасидан ўтказилади. Қурилма асосида турли экинларга ишлов беришнинг бутунлай янги технологияси яратилди. Уни Беруний номли Тошкент политехника институти физика кафедрасининг доценти М. К. Прокофьев раҳбарлигидаги олимлар ишлаб чиқишган. Нега самарали техника узоқ вақтдан бери оммалаштирилмаяпти? Шундай саволнинг қўйилиши ўринли бўлур эди.

Ҳақтаи назаримизни баён этишдан олдин бошқа бир янгиликнинг тақдири ҳақида фикр юритишга тўғри келади. 70-йилларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузурида фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи кенгаш тузилган эди. 1975 йил июнида кенгашга таниқли олим, техника фанлари доктори Ҳалим Усмонхўжаев мурожаат қилиб, пахта териш машинаси учун бутунлай янги, меҳнат унумдорлигини ва асосий иш аъзосини ишлатиш даражасини 30 фоизга ошириш имконини берадиган ўзи тозаланувчи таркибли шпиндель яратишганини айтди ва уни жорий этишда ёрдам сўради.

Дарҳақиқат бунгача ишлаб чиқарилаётган шпинделлар тез ифлосланиб, механизаторнинг вақтини кўп ўғирлар эди. Афсуски, янгиликка — таркибли шпинделга кенг йўл очилмади. «Юқоридан кўрсатилган таъсир туфайли зўрға оз туркум билан ишлаб чиқаришга қабул қилинди. Ваҳолонки, таркибли шпиндель пахтакор хўжаликларга маъқул тушган эди. Хонқа районидаги «Правда» колхозида унга катта баҳо беришганини ўз қулоғим билан эшитганман.

— Бизнинг фожиамиз шундаки, олим ва мутахассисларнинг таклифларини амалиётда жорий этиш жуда чигаллаштириб юборилган, тор маҳкамачиликнинг бир қарашда илғаб бўлмайдиган тўсиқлари билан ўраб ташланган. Илмий ғоя металлда аксини топа олишигача 5—10 йил кетади. Баъзан ғоя умуман эскириб қолади.

Олимнинг бу башорати, бахтга қарши тўғри бўлиб чиқди: таркибли шпиндель агрегатга ўрнатилиб, то ишлатувчига етгунича нақ 15 йил ўтди.

Бундан тўрт йил аввал Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси (ҳозир марҳум) Ғиёс Умаров сим қоқиб, чигитни экишдан олдин ишловдан ўтказишнинг янгича усулини жорий этишга кўмаклашишни илтимос қилди. Унинг айтишича, бу йўналишда ўнлаб илмий ишланмалар мавжуд бўлиб, улардан энг самарадорини таклиф қилаётган экан.

Техника фанлари номзоди М. Прокофьев билан ана шундай танишдик. У бизга Сирдарё областидаги «Фарғона» совхозида ўтказилган дастлабки тажрибалар ҳақида гапириб берди. Янги усул қўлланилгач, гектар бошига 48 центнергача ҳосил олишибди. Янгликни жорий этиш осон бошланмади. Ниҳоят, манфаатдор идора ва хўжалик вакиллари билан телевидение орқали «Давра суҳбати» ўтказдик.

— Жорий этамиз! —Ваъда қилишди Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги вакиллари.

Қойил қолиш керак, қурилма тажриба туркумининг ўнтасини 20 кун ичида ясаб беришди. Лекин, негадир, қурилма муаллифи таъқиб остида қолди. Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигида олимлар уни қийин-қистовга олишди. «Нега физика мутахассиси бўла туриб, ўнлаб катта олимлар ишлаётган қишлоқ хўжалик соҳасига ўзини ураді»(!), дея «айблашди»... Охир-оқибат, Натижа чакки бўлмади чоғи, келаси йили фақат шу усулда ишланган чигитни экишга аҳд қилишди. Пахта уруғчилиги марказий назорат-синов станциясида ҳам ана шундай синов ташкил этилди. Ҳосилдорлик анча ошди. Иқтисодий самарадорлик янгиликни жорий этиш актларига қараганда 1557 минг сўмни ташкил қилди.

Энди муз кўчгандир, деб ўйларсиз. Хато қиласиз. Янги қурилманинг ижобий кўрсаткичлари кимларгадир ёқмади. Фанда яккабош ҳокимлик ва йирик алоқалар билан боғланган айрим кишилар янгиликка тўғон қўйишга уриндилар. Бу масала қаерларда муҳокама қилинмади. ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими уни икки марта кўриб чиқди. Давлат агросаноат комитети чигит униб чиқишини текшириш комиссиясини тузди. Давлат план комитети шуғулланди. Тошкент политехника институтининг ўзида ҳам янгиликка қарши гуруҳ пайдо бўлди.

Бу орада қурилмани ишлатган хўжаликлар даромади оша борди. 1989 йили яна 20 та қурилма ясалди. Агросаноат комитети ёрдам бериш ўрнига яна унга қарши ҳужумга ўтди. Аммо янги усул ижодкорларини синов натижаларигина ҳимоя қилиб турибди. Бу йил системага келган янги раҳбарлар анча тараққийпарвар чиқиб қолди назаримизда. 100 та қурилма ясашга буюртма берилди. Ўрта Осиё ўсимликларни ҳимоя қилиш институти янгилик синовдан ўтган жойларда пайдо бўлган ғўзанинг гоммоз касаллигини текшириш юзасидан топшириқ олди. Ихтирога йўл очиляпти.

Бироқ ҳали қувонишга вақт эрта. Фан-техника тараққиётини бошқариш ҳамон такомилига етказилмаган. Ўртача фикрли хом мутахассис бирон-бир идоранинг амал курсисида ўтирар экан, ҳар қандай янгиликнинг пайини қирқаверади. Республика Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив бирлашмаси ва ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими системасида шунинг сингари мутахассислар анча бор.

Қайта қуришнинг бешинчи йили ҳам ўтди. Лекин фан-техника тараққиётини бошқариш муаммолари ҳал этилмаётгани алам қилади. Ахир, фан билан ишлаб чиқариш ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатиш учун ҳеч қандай тўсиқ йўқку! Илғор регионлар тажрибасидан ўрганиш ҳам мумкин. Масалан, Украинада минглаб турли жорий этиш ташкилотлари муваффақиятли ишлаб турибди. Республикамизда ҳам шундай ташкилотлар тузишнинг айни вақти.

Жуда кўп олим ва ихтирочиларнинг янгиликлари вақт ўтиб, эскириб қолаётгани зарар устига зарар келтирмоқда. Тугалланган иш туркумларини қамраб олувчи комплекс жорий этиш ташкилотлари тузиш ва улар фаолиятини ўз харажатларини ўзи қоплаш ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш асосида ташкил этиш лозим.

И. МУНАЕВ,
Ўзбекистон ССР жамоатчилик экспертизаси комитетининг раиси.

• КЕЛАЖАГИМИЗ—МАКТАБДА •

ЭРТАНГИ КУННИ ЎЙЛАБ

● МАМЛАКАТИМИЗДА амалга оширилаётган қайта қуриш ўз кўлами ва теранлиги билан турмушимизнинг барча жабҳаларини, биринчи навбатда халқ хўжалигимизга ўта масъулиятли, маълумотли, юқори савияли, ҳозирги кун жиддий талабларига жавоб бера оладиган, янгиланувчи социализмга содиқ, фаол, изланувчан, демократия шароитида яшай ва ишлай оладиган шахс — ҳақиқий гражданинни вояга етказувчи соҳа—халқ таълимини тубдан қайта кўриб чиқиш вазифасини кўндаланг қўймоқда.

ВАТАНИМИЗ тарихининг барча жабҳаларида, хоҳ у фожиали, хоҳ шиддатли кунлари бўлсин, совет мактаби ҳамиша халқ билан, унинг ташвишлари ва қувончлари билан яшади. Шунинг учун ҳам очиқ айта оламизки, бизнинг муваффақияту камчиликларимиз, маорифимизнинг ҳозирги ачинарли аҳволга тушиб қолиши-ю, илмга, зиёга бўлган интилишнинг сусайиши, ўқитувчилик касби обрўсининг, таълим-тарбия сифатининг пасайиши, ҳаммаҳаммаси, мактабдан, мактаб партасидан бошланади.

Турғунлик даврида ғовлаб кетган бошқаришнинг маъмурий-тўрачиликка, манманлиг-у, кибр-ҳавога асосланган ғализ услублари халқ таълими соҳасига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Мактаб жамият ҳаётининг бошқа соҳаларидан ажратилиб қўйилди. Демократия, ошкораликнинг йўқлиги, танқиднинг бир ёқламалиги (фақат юқоридан) таълим-тарбиядаги ҳар қандай ташаббус-у мустақилликни йўргакдалигидаёқ бўғиб ташлади.

Коммунистик партия томонидан илгари сурилган (1985 йил апрель) қайта қуриш стратегияси бошқариш системамизни янгилаш, ислоҳ қилишда кенг истиқбол йўлларини очиб берди. Бу эса, ҳозирги кунга келиб жамиятимизда умидли, эзгу интилишларни вужудга келтирмоқда, аммо шунга қарамасдан биз маориф соҳасида ҳақиқий ижтимоий фаолликдан ҳали анча йироқдамиз. Ҳозирча бу борада айрим ташаббуслар тўғрисидагина сўз юрита оламиз холос, бироқ шу нарса аниқ ва равшан бўлиб қолдики, **юз бериши муқаррар** бўлган оммавий ижодкорлигу, ташаббускорликни қўл қовуштириб кутиб ўтиришга мутлақо ҳаққимиз йўқ.

1988 йилнинг февралида бўлиб ўтган КПСС Марказий Комитетининг Пленуми партиянинг халқ таълимини инқилобий руҳда қайта қуриш соҳасида кўрсатаётган раҳнамолигининг янги, ёрқин гувоҳи бўлди. Чунки унда ўқитувчи қалбини, виждонини илгаридан қийнаб келаётган ҳамма нарсаларга бафуржа, очиқ-ойдин тўхталиб ўтилди. Бунда ислоҳотнинг депсиниб қолиш асл сабаблари рўйирост очиб ташланди ва халқ таълими кўп миллионли армияси ходимлари учун тавсияномалар ишлаб чиқилди. Ўйлаймизки, бу билан маорифни аввалги (1984 йил, апрель) енгил-елпи пардозлашга қаратилган қатор қарорлардан фарқли ўлароқ, мафкуравий, ҳаётий тадбирлар белгиланди. Мамлакатда ўз бераётган қайта қуриш жараёнининг кўп қиррали эканлиги ва у инсонга, унинг шахсига эҳтиёж ва қизиқишларига қаратилиши лозим эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Таълим соҳасида ислоҳотни, яъни қайта қуришни амалга оширишда асосий куч бу ўқитувчидир. Жумҳуриятимизда ўз ишининг уддабурролари, боланинг таълим-тарбиясига, мактаб ишига бутун куч-қувватини, соғлиғини ва борлиғини фидо қилувчи ўқитувчиларимиз, мураббийларимиз, устоз-домлаларимиз анчагина топилади. Булар қаторига урганчлик новатор-педагог, СССР халқ ўқитувчиси М. Ёқубовани, Тошкентдаги 22-болалар уйи директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. П. Хлебушкинани, СССР Педагогика фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси С. Ражабов ва кенг жамоатчиликка танилган бир қатор илғор ўқитувчиларимизни кўрсатишимиз мумкин.

Лекин аксарият ўқитувчиларимиз ўзларининг касбкорлик маҳоратлари талаб даражасидан анча паст бўлишига қарамай, илғор тажрибаларни ўрганишга, ўз малакаларини тинмай оширишга ҳафсаласизлик қилмоқдалар. Ўмуман олганда, ҳозирги замон ўқитувчисини тайёрлашдек масъулиятли вазифага педагогика олий ўқув юртларию шу соҳанинг мутасадди кишилари панжа орасидан қараб келмоқдалар. Фикримизча, педагогика олий ўқув юрти, илмий текшириш, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтлари, мактаб, мактабгача тарбия муассасаларини ўз ичига олган ўқув-илмий-педагогик комплекслар (Сирдарё ва Фарғона сингари) ташкил қилиш ишларига алоҳида эътибор беришимиз, педагогик синфлари бўлган мактаб, айрим предметларни чуқур ўзлаштиришга мўлжалланган интернат, таянч мактаб ва болалар боғчалари тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштириш ишларини янада самаралироқ ташкил қилишимиз керак.

Ҳунар-техника билим юртларида малакали ишчи кадрлар тайёрлаш ишини халқ хўжалигимизнинг янги ривожланиб келаётган тармоқлари эҳтиёжлари асосида қайта кўриб чиқишимиз, ишчилар, айниқса, миллий ишчи кадрларнинг индустриал тармоқ корхоналардаги қўнимсизлиги сабабларини таҳлил қилишимиз керак. Айниқса, **Россия марказий шаҳарларидаги билим юртларига жўнатилаётган йигитларимизнинг аксарияти ўша ердаги ҳарбий хизматга чақирилиш планларини бажаришда асосий омил бўлиб, хизматдан сўнг ўқишни давом эттириш учун сабрлари етмай, ўз она юртларига шошилмоқдалар, бунинг устига айнан ўша бегона, узоқ юртларда эгалланадиган ҳунарларга ўзимизда ҳам жуда яхши ўқитилади-ку. Бу масалани ҳам дурустроқ ўрганиш керак.**

ОЧИҒИНИ айтадиган бўлсак, 1984 йил (апрель)дан бошлаб ҳар йили жумҳурият олий ва ўрта махсус таълим, маориф, ҳунар-техника давлат комитети ва ўз қарамоғида ўқув юртлари бўлган бошқа вазирликлар юқори партия ва совет ташкилотларига йўллаган ахборотларида таълим соҳасида ислоҳотни амалга оширишда маълум муваффақиятларни қўлга киритилганлиги қайта-қайта таъкидланганлигининг гувоҳи бўламиз, аммо 1989 йилнинг октябрь-декабрь ойларида ўтказилган таҳлил натижалари **аҳволнинг мутлақо бундай эмаслигини, ислоҳот на илмий ва на ташкилий асослар билан таъминланмаганлигини яққол кўрсатди. Бундан ташқари ислоҳотнинг илгари босмаганлигига халқ таълимини иқтисодий жиҳатдан таъминлашнинг қолоқ, эскирган молиявий услублардан фойдаланиши, унга иккинчи даражали — ноишлаб чиқариш соҳаси деб қараш ҳам асосий сабабларидандир.**

Ҳозирги кунда мактабларимиздаги мавжуд ўқувчилар ўрни талаб даражасидан икки ҳисса кам, бундан ташқари мактабларимизнинг 54 фоизи мослаштирилган биноларда жойлашган бўлиб, **ҳар саккизинчи мактаб авария ҳолатида, 70 фоиздан ортиқ мактаб икки сменада, бир қанча мактабларда дарс уч сменада ҳам олиб борилади. Мактабгача бўлган болалар тарбияси ўчоқларининг аҳволи бундан ҳам ачинарли; 65 фоизга яқин болалар боғчага тортилмаган, боғчаларда болаларнинг зичлиги 200 фоиздан ортиб кетганлиги сабабли улар орасида турли юқумли ва бошқа касалликларга чалиниш даражаси ҳам анча юқори. Мактабгача болалар ташкилотларини қуриш суръати туғилиш суръатидан икки ҳисса орқада бўлиб, боғчага навбатга турганлар сони йил сайин тезлик билан ортиб бормоқда, оилавий, хонадондаги боғчаларнинг очилишида эса ниҳоятда сусткашликка йўл қўйилмоқда.**

Маорифимиздаги мавжуд камчиликлар, йўл қўйилган хатолар тўғрисида батафсил тўхталадиган бўлсак бу жуда кўп вақтни олиши мумкин, бунинг устига шу кунларнинг талаби — оммавий ёрдам кўрсатиш, ташаббускор ижодкор ходимларни қидириб топиш ва уларнинг фаолиятига кенг йўл очиб беришдан иборат. Шу боис маорифимиз олдида турган юқорида айтилганлардан ташқари муаммоларни қисқача қилиб қуйидагича ифодалаш мумкин.

Аввало, халқ таълимининг илмий-педагогик таъминоти жумҳуриятимиздаги Қори Ниёзий номли Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтига, уч дорилфунун ва 16 педагогика институти илм аҳлига юкланган. Аммо биз шу кунгача жумҳурият мавқеидаги ўқув предметларининг биронтаси бўйича ҳали билим мазмуни ёки таълим-тарбия жараёни юзасидан аниқ, равшан дарсликларга эга эмасмиз. Кўпчилик илмий ходимларимиз тор йўналишдаги, айрим майда-чуйда масалаларни тадқиқ қилиш билан (кўпинча фақат илмий даражага эришиш мақсадида) оворалар. **Бу борада жуда катта илмий кучга эга бўлган, аммо мактаб ва олий ўқув юртини ислоҳ қилиш муаммоларидан ўзини йироқ сезаётган жумҳурият Фанлар академиясининг нуқтаи назари ҳамон тушунарсиздир.** Натижада тайёрланган дарслик ва программалар маҳаллий шарт-шароитлару мактабнинг талаблари, жумҳуриятимиз ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмасдан бунёд этилмоқда. Бунинг устига, баъзи доимий муаллифлар гуруҳлари шаклланганки, улар дарсликлар ёзишни гўё бир умрга ўз маҳрларига тушган деб ҳисоблаб келмоқдалар. Оқибатда мазмунсиз, ўртаҳол, унчалик зарурияти бўлмаган «ўқув дарсликлари» дунёга келмоқда.

Иккинчи вазифа маориф масалаларини муносиб ўқитувчи кадрлар билан таъминлаш бўлиб, ишни олий ва ўрта педагогика билим юртларини ихтисослаштириш, ўқув-тарбия масканлари (боғчадан бошлаб олий ўқув юртигача) ходимлари фаолиятини бир бошдан, эринмасдан ўрганиб чиқиш ва зудлик билан зарур тадбир-чораларни кўришдан иборатдир.

Жумҳуриятимизда шу бугунги кунда мактаб ва ҳунар-техника билим юртларида **10 мингдан ортиқ олий маълумотли ўқитувчи етишмайди, улардан 3 мингга яқини рус тилидаги мактаблар учундир, мусиқа ва ашула, жисмоний тарбия, кимё ва биология, умумтехника таълими ва меҳнат, бошланғич таълим методикаси каби предметлар бўйича ўқитувчиларга бўлган талабнинг қондирилиши 30—35 фоиздан ошмайди. Мактабгача тарбия ўчоқлари эса олий маълумотли кадрлар билан 10,5 фоизгина таъминланади,** холос. Олий педагогика ўқув юртларида куни узайтирилган группалар учун махсус ўқитувчи кадрлар тайёрлаш шу кунгача йўлга қўйилмаган. Бунинг устига, айрим вилоятларда ўқитувчи кадрларга бўлган талаб ва уларни тайёрлаш ўртасида номутаносиблик (айниқса, риёзиёт, тарих, жуғрофия, хорижий тиллар бўйича) мавжуд, ўрта махсус маълумотли ўқитувчилар тайёрлаш талабдан бирмунча юқори (сифати эса жуда паст) бўлиб, уларни мутахассислик бўйича ишга жойлаштиришда катта қийинчиликларга юз тутиляпти. Ўқитувчиларни аттестациядан ўтказиш эса расмий, «хўжакўрсин» қабилида ташкил қилингандир. Чунки кейинги 2-3 йил давомидаги аттестациялар натижасига кўра тахминан ҳар 2000 ўқитувчи ва тарбиячидан атиги 1 кишигина ўз мутахассислигига нолойиқ, деб топилган.

Ёш ўқитувчи кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш масаласи, албатта олий ўқув юрти, умумий таълим мактаблари ва педагогика билим юртида ишлаб турган кадрлар — профессор, ўқитувчиларнинг савиясига тўғридан-тўғри боғлиқдир. Аксарият бу олий педагогика ўқув юртлари домлаларининг ўзлари ҳозирги замон мактабини билмайдилар, ёки унда бирон кун ҳам ишлаб кўрмасдан бўлажак ўқитувчиларни тайёрламоқдалар. Натижада **ёмон ўқитувчи — бўш ўқувчи —бўш талаба—яна ёмон ўқитувчи формуласи доира шаклида узлуксиз равишда айланиб тураверади,** холос. Мана бу муаммонинг ечими устида, ўқитувчи кадрлар тайёрлашни яхшилаш, улар малакаси ва савиясини ошириш, ўқитувчининг аввалги обрў-эътиборини тиклаш, бу касбга кўпроқ эркакларни жалб қилиш зарур.

Биз эртанги кун кишисини, бозор иқтисодиётига ўтиш, у билан боғлиқ бўлган қийинчиликларнинг оператив ва самарали ечимини таъминловчи юқори малакали ходимни, ишчини, XXI аср ижодкорларини тайёрлаб берувчи эртанги кун ўқув даргоҳлари, эртанги кун ўқитувчиси сиймосини шу бугун яратишимиз керак. Акс ҳолда яна кеч бўлиб қолиши муқаррар.

Бу борада жумҳурият Президентининг 1990 йил январь ойидан бошлаб 1-5 синф ўқувчиларини бепул нонушта билан таъминлаш ҳақидаги фармойиши, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Келажагимиз — мактабда!» мурожаатномаси жуда катта эзгу ишларга ундовчи дастурламал сифатида халқ назарига тушди. Бошланғич синфлар ўқитувчилари иш ҳақи улар ўқув соатини ҳафтасига 20 соатдан 14 соатга камайтириш ҳисобига ойига ўртача 35 фоиз оширилмоқда...

Ўзбекистон Компартияси XXII съезднинг халқ таълимини ривожлантиришга, унинг моддий ҳамда кадрлар базасини мустаҳкамлашга, ватанпарварлик, инсонпарварлик, болажонликка, миллатнинг, жумҳуриятнинг равнақига, элнинг фаровонлигига қаратилган бундай ўта хайрли, эзгулик билан йўғрилган амалий ишлари баъзан ҳафсаласизлик, беғамлик, ўзибўларчилик, масъулиятсизлик касалига мубтало бўлган, жумҳуриятимиз ҳозирги кундаги аҳволини чуқур таҳлил қила олмайдиган кишилар қўлида арзимаган баҳоналар сабабли йўққа чиқиш ёки болалар нонини «туя қилиш» ҳоллари ҳам учрамоқда. Биз турғунлик даврининг бундай сарқитларига қарши шафқатсиз бўлишимиз, ҳар қандай сунъий тўсиқларни енгиб, ҳукумат ва партиямиз барча тадбирларини ҳаётга татбиқ этиш чораларини кўришимиз керак.

Албатта, бошқа барча соҳалар сингари халқ маорифи ҳам турғунлик даврининг танглик, тушкунлик жараёнларида ўз мавқеини бирмунча йўқотиб қўйди. Натижада социализмнинг «Ишлар — бизнинг келажагимиз!», «Ҳамма яхши нарсалар — болаларга!» каби долзарб шиорлари мазмунан сийқалашиб қолди. Ҳаётимиздаги бундай нохуш воқеа ва ҳодисаларнинг олдини олиш, мактабни соғломлаштирилаётган социализм талаблари асосида қайта қуриш режаларини амалга ошириш мақсадида эълон қилинган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг юқоридаги мурожаатномасида «Мактабни бахтли қилсак — эртанги кунимиз ҳам бахтли, саодатли бўлади», деб хитоб қилиниши бежиз эмас. Мурожаатга жавобан жуда кўп оталиқ корхоналари, айниқса, пойтахтимиздаги Ильич номли, автоматика, эталон, трактор, асбосозлик заводлари, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги, «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмалари, Куйбишев, Ленин, Октябрь, С. Раҳимов ва Чилонзор районлари ишлаб чиқариш жамоалари, жумҳурият Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги мактабларнинг моддий аҳволини яхшилаш учун 10 миллион сўмликдан ортиқ қўшимча пул ва бошқа моддий маблағларни ўз соф даромадларидан ажратдилар. **Келажагимиз бўлган мактабга бевосита ўз шахсий жамғармаларидан пул ўтказиш иштиёқида мурожаат қилаётган олим, санъаткор, партия ва совет ташкилоти ходими, оддий ўқитувчи, колхозчи ва ишчилар ғоят кўп.**

Шу ўринда давлат молия органлари қошида зудлик билан халқ таълими жамғармалари ташкил этилиб, унинг ҳисоб номери эълон қилиниши зарур, деб ўйлаймиз.

И. ТУРСУНОВ,
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг масъул ходими.

(Муаллиф мақола қалам ҳақини ташкил этиладиган халқ таълими жамғармасига лутфан тақдим этади).

КПСС XXVIII съезди делегати

ЁРУҒ НУР СЕЗГИСИ

III. Уйда тинчи бўлсин экан, ҳар бир одамнинг. Оила нотинч бўлса, ҳеч қандай шоншуҳрат татимайди. Санобарнинг турмуш ўртоғи Тўйчи ака шу бригадада мироб. У нафақат мироб, Санобарга суянчиқ, маслаҳатдош. Ишдан бўш вақтларда оила даврасида кўп масалалар бамаслаҳат ҳал этилади. Бу суҳбатлар жараёнида фарзандлари Шавкат ва Шаҳлолар тарбиясидан тортиб, бригада ишчиларининг шарт-шароитларини яхшилаш, уларга қулайликлар яратиш, вазият туғилганида бу муаммолар юзасидан район ва область ташкилотларига мурожаат этишгача бўлган масалалар ҳал этилади. Қўл-қаноти ҳисобланган, унга ишонч билдириб КПСС XXVIII съездига делегат қилиб сайлаган шу одамларга хизмат қилмай бўладими, ахир!

Қайта қуриш деб аталмиш ҳозирги даврда келажакка нисбатан ёруғ нур сезгиси бор экан Санобар, ўнлаб, юзлаб Санобарлар деҳқон дардини дала шийпонидан тортиб, муаззам Кремль минбарларигача олиб чиқиши, уларнинг фаровонлиги учун ҳормай-толмай меҳнат қилишига ишончимиз комил.

Суратда: С. Муродова оиласи даврасида.

Лавҳа ва суратлар муаллифлари:

Э. БОЛИЕВ,
В. МОЛГАЧЕВ.

• «Ҳосил-90»

ДОН ЕРДА ҚОЛМАЙДИ

ҚАМАШИ РАЙОНИДАГИ К. МАРКС НОМЛИ СОВХОЗ ҒАЛЛАКОРЛАРИ ЎРИМ-ИИҒИМНИ ТЕЗ ВА СОЗ ЎТКАЗИШГА ҚАРОР ҚИЛДИЛАР

Дон — бебаҳо бойлик, ган тўкинчилик манбаи, дастурхон зийнати эканлигини ҳамма яхши билади. Нондан азиз нарсанинг ўзи йўқ. Совхозимиз ғаллакорлари ўн иккинчи беш йилликнинг охирги йилида 12 минг 22 гектар ерда арпа-буғдой етиштирдилар. Улар Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди ва КПСС XXVIII съезди шарафига ўзаро социалистик мусобақани авж олдириб, барча агротехник тадбирларни ўз вақтида сифатли амалга оширдилар. Натижада дондан мўл ҳосил етиштирилди.

Эндиги вазифа — ғалла ҳосилини саранжомлаб олиш. Совхоз маъмурияти, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ғалла ўрим-йиғимини узоғи билан 25 иш кунида тамомлаш юзасидан тадбирларни белгиладилар. Хўжаликда 65 та комбайн бор. Тўртта ўрим-йиғим отряди тузилиб, улар 22 звенога ажратилди. Ўрим-йиғимда қатнашаётган ҳар бир комбайнга биттадан автомашина бириктирилди. Отрядларга техника хизмати кўрсатиш учун кўчма устахона, пайвандлаш ва ёқилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш учун транспорт ажратилди.

Мавсум ниҳоятда эҳтиёткорликни талаб этади. Сағал беғамлик қилинса ёнғиннинг чиқиши мумкин. Ёнғиннинг олдини олиш мақсадида отрядларга сув ташийдиган машиналар бириктирилди. Ёнғинга қарши бошқа кераклн нарсалар етказиб берилди.

Ўрим-йиғимда қатнашаётган механизаторлар, ишчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишлар кучайтирилмоқда. «Билим» жамиятининг ўнлаб аъзолари, сиёсий ахборотчилар бу ишга сафарбар этилмоқда. Улар жанговар варақа ва деворий газеталар чиқаришяпти. Шунингдек, звено отрядларидаги ишчи-хизматчилар ва механизаторлар кундалик газета ва журналлар билан таъминланмоқдалар. Меҳнаткашларга медицина хизмати кўрсатиш яхшиланди. Далага шифокорлар биркитилди. Вагон уйлар, комбайнлар, дори қутичалари билан таъминланди.

Ғаллакорларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш чоралари ҳам белгиланди. Ўрим-йиғим иштирокчиларига ҳафтада икки марта бепул кинофильмлар кўрсатилади. Илғор комбайнчи ва шоферлар Самарқанд, Бухоро, Хўқон каби тарихий шаҳарларга бепул саёҳатларга юборилади.

Мавсум муваффақиятини таъминлашнинг тақдири инсон омилига боғлиқ. Бу ишда азалдан тажрибада синаб кўрилган социалистик мусобақа ва унинг ғолибларини моддий ва маънавий рағбатлантириб туриш муҳим аҳамиятга эга. Шунга кўра механизаторлар ва ғаллакорлар ўртасида социалистик мусобақани тўғри йўлга қўйяпмиз. Ҳар беш кунда меҳнат аҳли иш ҳақи билан таъминланади.

Бўлимлараро битта кўчма Қизил байроқ ва комбайнчилар учун вимпел ташкил этилди. Беллашув якунлари ҳар беш кунда чиқарилади. Комбайн билан кунига 9 гектардан жами 45 гектар ғалла ўриб-янчган механизатор қўл соати билан тақдирланади. Мавжуд комбайнларнинг ҳар бири билан кунига ўртача 8 гектарли сифатли дон ўримини таъминлаган группага кўчма Қизил байроқ берилади. Илғорларни мукофотлаш учун 100 сўм пул ва бир бош қўй берилади. Сомонни пресловчи агрегатда ишловчилар ҳар куни ўртача 800 донадан, беш кун ичида 4 минг дона пресс тайёрласа, 40 сўм пул мукофоти билан тақдирланади. Комбайнда ғалла ташийдиган шоферларга, тракторчиларга ҳам тегишли мукофотлар ажратилди.

Шуниси муҳимки, ўрим-йиғим мавсумида 350 гектар ва ундан ортиқроқ майдондаги ғаллани сифатли ўриб берган комбайнчи 280 сўмлик телевизор, 250—300 гектар ердаги ғаллани ўриб берган комбайнчи 120 сўмлик радиоприёмник, 200 гектар ердаги донни ўрган комбайнчи жун рўмол билан тақдирланади. Шундай мукофотлар илғор шоферлар ва сомонни пресловчи тракторчиларга ҳам берилади.

Совхоз дирекцияси, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари зарбдор 25 кунлик эълон қилдилар. Зарбдор кунлар иштирокчилари муттасил равишда бепул овқат билан таъминлаб борилади.

Хуллас, биз мавсумни муваффақиятли якунлаш ва ҳар гектар лалми ердан камида 12—15 центнердан ҳосил олиш учун барча куч ва имкониятларни ишга соляпмиз. «Олтин бошоқ» ижодкорлари арпа-буғдой ўрим-йиғимини қисқа муддатда сифатли ўтказиб, КПСС XXVIII съездини муносиб совғалар билан кутиб оладилар.

Р. ОМОНОВ,
Қамаши районидаги К. Маркс номли совхоз директори.

С. ҲАҚНАЗАРОВ,
совхоз партия комитети котиби.

• Долзарб мавзуда суҳбат

УМИД ПУЧГА ЧИҚМАСИН

Кейинги йилларда Амударёнинг қуйи оқимида Орол денгизи бўйларида экологик аҳвол ўткирлашиб, деҳқончиликка ҳам, одамларнинг саломатлигига ҳам маълум даражада ўз таъсирини ўтказди.

Биз беморларга тиббиёт хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш йўлида қандай ишлар олиб борилаётганлиги тўғрисида Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти соғлиқни сақлаш вазири, тиббиёт фанлари доктори Турсунбой ЕСЧОНОВга мурожаат қилдик.

— Биз ўз ишимизни қайта кўриб чиқдик, — деди у. — Ҳар бир тиббиёт ходимига нисбатан талабчанликни оширдик. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ҳар ойда бир марта терапия, хирургия, травмотология, физиотерапия, стоматология ортопедия, гинекология бўйича мутахассислар бир районда 7-10 кун давомида бўлиб врачларга, ҳамшираларга амалий ёрдам кўрсатадилар. Беморларни қабул қиладилар. Яқинда улар Тўрткўл райони колхоз ва совхозларида 700 дан кўпроқ беморни қабул қилишди ва уларга фойдали маслаҳатлар беришди.

Касалхоналар, поликлиникаларда ишлаётган врачлар ва ҳамшираларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, тиббиёт фанидаги энг янги даволаш услублари билан таништириш мақсадида ўқувлар, курслар ташкил қилинди. Бу ўқувлар дастлабки самарасини бермоқда. Чунки кўп йиллардан бери ишлаб келаётган турли курслардан, малака ошириш ўқув юртларидан ўтмаган врачлар, ҳамшираларнинг ҳам йўқ эмас. Биз шу мақсадда ҳар бир касалхона, поликлиника ва беморларни даволайдиган бошқа муассасалар қошида ҳар ҳафтада икки соатлик ўқувни ташкил қилганмиз.

Айниқса, махсус ўрта маълумотли фельдшер, ҳамшира, акушер-гинеколог, педиатор каби кадрларни қайта тайёрлашга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Шу мақсадда районларда ҳамшираларни қайта тайёрлайдиган ўқув юртлари ташкил қилганмиз. Биз бу йил камида 1300 дан кўпроқ ҳамшираларни ана шу ўқув юртларида ўқитиб малакасини оширишга эришамиз. Яқин 4—5 йил ичида мухтор жумҳуриятимиздаги ҳамма ҳамшираларни ана шу ўқув юртларида ўқитмоқчимиз.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

хатларда КИШЛОК МУАММОЛАРИ

ГУНОҲКОР БЎЛДИҚМИ?

Биз ўтган йили 31 гектар ерга «Ф-149» навли пахта чигитини экиб, яхши парвариш қилдик. Йиллик планнинг 105 фоизга бажардик. Давлатга 52 минг сўмлик пахта сотиб, 22 минг сўм пулни иш ҳақи сифатида олдик. Йил охирида шу нарса маълум бўлдики, сўнггги ҳисоб-китобларга кўра бизнинг бригадамиз 2692 сўм қарздор бўлиб қолган эмиш.

Биз нега бундай бўлди, деб хўжалик бош иқтисодчисидан сўрасак, у пахтанинг асосий қисмини учинчи ва тўртинчи навларга сотибсизлар, деб жавоб берди. Ахир, бу навлар зарар келтирадиган бўлса, совхоз раҳбарлари уни сўнгги мисқолигача териб олишга бизни нега мажбур қилишди? Нега биз хотин-қизларни, ёш болаларни кўрак ва ерга тўкилган пахталарни теришга йўлладик? Совуқ кунларда уларни қийнадик?

Бригадир сифатида одамларга қўшимча ҳақ сўраб совхоз директори ўртоқ М. Азизовга мурожаат қилсам, сен пахта планини базўр бажардинг, шунга ҳам қўшимча ҳақ сўрайсанми, деб жавоб берди.

Район агросаноат комитети иқтисодчиси Азиз Абдураҳимов эса бизнинг хатимизни текширгани келиб, сизлардан қарз ушланмайди. Тола учун ҳақ ҳам тўлаймиз деди. Афсус, у бизнинг қўйнимизни пуч ёнғоққа тўлдирган экан. Совхозимиз бухгалтерлари қарзни аллақачон ишчиларга тақсимлаб қўйишган экан. Мана, беш ойдан бери бир тийин иш ҳақи олганимиз йўқ. Юқорн идораларга юборган хатларимиз эса чора кўриш учун яна ўзимизнинг районимиз ва совхозимизга қайтиб келади. Энди савол туғилади: пахта планини бажариб гуноҳкор бўлдикми?

А. РОЗИҚОВ,
Сурхондарё область, Сариосиё районидаги «Боботоғ» совхози «Оқмачит» участкаси бригада бошлиғи.

●

ЎГАЙ ҚИШЛОҚ

Қишлоғимиз Қамаши районидагн Фрунзе номли совхознинг Кўкбулоқ қишлоқ Совети ҳудудида жойлашган бўлиб, Қўшкўл номи билан аталади. Қишлоғимиз аҳли меҳнаткаш. Шунинг учун ҳам совхознинг планлари мунтазам бажариб келинди. Афсуски, хўжалик раҳбарлари кейинги пайтда халқнинг арз-додига, ҳақли талабларига қулоқ солишмаяпти. Шу сабабли ҳам бизда муаммолар қалашиб ётибди. Биринчи навбатда, йўл муаммоси одамларни қийнамоқда. Қишлоқдан совхоз марказига бориш учун 50-60 километр йўл босишимиз керак. Бироқ ана шу йўлнинг 20 километри асфальтланмаган. Ёзда чанг, қишда лой. Йўлнинг асфальт қилиниши чўзилиб кетяпти.

Одамлар бозор-ўчар қилиш учун 80 километр йўл юриб, анчагина вақтини беҳуда ўтказади. Бунинг устига қишлоқда на сартарошхона, на новвойхона, на ҳаммом бор. Хуллас, айтаверсак гап кўп. Телевизор кўриш эса қишлоғимиз аҳлига ҳамон ширин орзу.

Бу ҳақда биз район, область, ҳатто республика раҳбарларига мурожаат этишимизга қарамай, улар бу ишга панжа орасидан қарамоқдалар. Хўжалигимизнинг раҳбарлари эса парвойи-фалак. Арз-додимизни эшитадиган ва ушбу муаммоларни ҳал этишда ёрдам берадиганлар топилармикин? Ёки қишлоғимиз ўгайми?

Ш. ҲОЖИЕВ.

●

ИЛОЖИ ТОПИЛСА...

Бизнинг оиламизга қарашли 10 сотих ер бор. Шунинг ярмига қулупнай эккандик. Бироқ ҳар йили меваси энди пишай деганда, унинг тагига ҳар хил қумурсқалар уя солиб, меваси яхши битмайди.

Еримизнинг қолган қисмига мевали дарахтлар эккандик. Бироқ олхўрига қора шира, шафтолига кўк шира тушди. Уни сув билан ювиб кўрдик, Бўлмади. Биологик усул ёрдам берар, деб хонқизи олиб келиб қўйдик. Шунда ҳам иложи бўлмади. Помидор кўчатлари ҳам шундай касалликка дучор бўлди.

Ўйлайманки, қишлоқларда юз бераётган мана шундай аҳволни тузатиш пайти келди. Одамларга мева-сабзавот етиштиришда мутахассислар ёрдами зарур. Менимча, ҳар бир районда бир неча агроном, зоотехник, ветинария врачи ва бошқа мутахассислар шахсий томорқа хўжаликларига хизмат қилиб, уларга ҳар томонлама ёрдам беришлари зарур. Ана шундагина эканларни ва аҳоли қўлидаги чорва моллариии турли касалликлардан фориг қилиш мумкин. Шу йўл билан эл дастурхонини озиқ-овқат маҳсулотлари билан янада бойитишимиз турган гап.

М. НУРАЛИЕВА,
Андижон область, Балиқчи районидаги Киров номли колхоз аъзоси.

ЮЛДУЗХОН АЯНИНГ ЮЛДУЗЛАРИ

Суратда кўриб турганингиз аяжонларимиз Юлдузхон ая Хўжаева ташкил этган халқ ансамбли иштирокчиларидан айримлари, холос. Халқ ансамбли аъзоларининг аксарияти пенсионерлар. Фарғона водийсининг турли жойларида истиқомат қилаётган бу аяжонларимизни бирлаштирган куч нимада дерсиз?!

Санъатга фидойилик ўзлари танлаган касбга меҳр-муҳаббат, садоқат туйғусидир. Гап шундаки, улар санъат даргоҳида тасодиф одамлар эмас. Ёшликларида унга қандай ихлос қўйишган, қадрлашган бўлишса, ҳозир ҳам ана шу завқ-шавқ уларга йўлдош. Пенсия масаласига келсак, бу расмий бир тушунча. Пенсияга чиқиш ҳеч кимдан ўз касб-корига бўлган қизиқишни ҳам, у билан шуғулланишни ҳам тортиб олмайди...

— Юракда ўт бўлса, уни ҳеч ким ва ҳеч нарса ўчиролмас экан, — дейди ансамбль бошлиғи Юлдузхон ая. — Ишонасизми, ижро этадиган куй-қўшиқларимизни машқ қилишга тўпланадиган онларни орзиқиб кутамиз. Концерт бериб, томошабин олқишига сазовор бўлган дамларда эса ёшариб кетамиз. Программамизни яна қандай янги қўшиқлар, рақслар, термалар билан бойитсак экан, деган ширин ташвишга тушиб қоламиз...

«Омонёр», «Ушлама қўлимни», «Анорхон», «У ёнга ташлаб ўйнанг, бу ёнга ташлаб ўйнанг», каби халқ термалари ана шундай изланишларнинг самарасидир.

Ансамбль жонкуярларининг яна бир хайрли ишлари ҳақида гапириш жоиз. Аввалига беш-ўн пенсионер қариялар иштироки билан ташкил этилган ансамбль ҳеч вақт ўтмай Фарғона тўқимачилик комбинати қошидаги халқ ансамблига айланди. Негаки, бу ансамблга қатнашиш иштиёқини билдирган комбинат ишчи-хизматчиларидан ҳаваскор талантлар тобора кўпайиб борарди. Комбинат ишчиларидан Шоҳидахон Мирзаева, Мастурахон Аҳмедоваларнинг ансамблда ўз ўринлари бор. Уларнинг камолотга эришишларида ансамблнинг Тўхтахон Қурбонова, Сорахон Аҳмедова, Турсуной Қурбонова каби тажрибали санъаткорларининг хизмати катта. Юлдузхон аяга келганда-ку, гап йўқ. У ҳаммалари учун онадай яқин бўлиб кетган. Дарҳақиқат, аяда улар ўрганса арзийдиган сифатлар кўп. Ижодий ва ҳаётий тажрибаси ранг-баранг ва дилбар. Қирқ йилдан ортиқ Фарғона вилояти музикали драма театрида етакчи актёр бўлиб ишлаган. Катта Фарғона канали қурилишининг бошидан охиригача қатнашиб, канал қазувчиларини ўзининг оҳанграбо қўшиқлари билан мафтун этган. Собир Абдулланинг «Тоҳир ва Зуҳра» асари асосида яратилган музикали драмасида республикада биринчилардан бўлиб Зуҳра ролини ижро этган. Ширин, Лайли, Гулсара, Нурхон, Шоҳсанам каби у яратган 200 дан ортиқ ролларнинг ҳар қайсисининг туғилиши санъат ихлосмандлари учун байрам бўлган...

Ансамблга ном қўйиш ҳақида мунозара борганда ҳаммалари бир овоздан аянинг номини «Юлдуз» деб таклиф қилишди. Бу ансамблни тузишда жонбозлик қилган аяга бўлган ҳурмат-эҳтиром рамзи эди, албатта. Юлдузхон аянинг 7 фарзанди, 11 невара ва 11 чевараси бор. У раҳбар бўлган ансамбль иштирокчиларининг аксарияти ҳам аллақачон унингдек буви бўлишган.

Бугун ўзининг 75 ёшлик тўйини нишонлаётган Юлдузхон ая Хўжаевага биз ихлосмандлари омонлик, соғлиқ ва яхши кунлар ёр бўлишини тилаймиз.

СУРАТДА: «Юлдуз» халқ ансамбли концерт бермоқда.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

И. ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

Қуйидаги ихтисосликлар бўйича АСПИРАНТУРАГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун: юқори молекуляр бирикмалари кимёси, машинашунослик ва машина деталлари, тўқимачилик саноати машиналари ва агрегатлари, кимёвий толалар технологияси, тўқимачилик хом ашёси (пахта, шойи, канап)га дастлабки ишлов бериш, тўқимачилик материаллари (ип йигириш, тўқувчилик, трикотаж) технологияси, халқ хўжалиги иқтисоди, уни планлаштириш ва бошқаришни ташкил этиш;

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун: юқори молекуляр бирикмалар кимёси, тўқимачилик саноати технологияси, тўқимачилик хом ашёси (пахта, шойи, канап)га дастлабки ишлов бериш, тўқимачилик материаллари (ип йигириш, тўқувчилик, трикотаж) технологияси, халқ хўжалиги иқтисоди, уни планлаштириш ва бошқаришни ташкил қилиш, материалшунослик (тўқимачилик).

АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ОКТЯБРЬ ОЙИДА ЎТКАЗИЛАДИ.

Ҳужжатлар — 1 октябргача қабул қилинади.

Мурожаат қилиш учун манзил: 700100, Тошкент шаҳри, ГСП, Горбунов кўчаси, 5-уй, аспирантура бўлими. Телефон — 53-66-34.

АКАДЕМИК И. П. ПАВЛОВ НОМИДАГИ ХАЛҚЛАР ДУСТЛИГИ ОРДЕНЛИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ

КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ АСПИРАНТУРАГА, КЛИНИК ОРДИНАТУРАГА ҲАМДА СТАЖЕР-ТАДҚИҚОТЧИЛИККА

1990 йил учун

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КУНДУЗГИ АСПИРАНТУРАГА:

Акушерлик ва гинекология, болалар касалликлари, кўз касалликлари, болалар асаб касалликлари, болалар касалликлари.

СИРТҚИ АСПИРАНТУРАГА:

Акушерлик ва гинекология, болалар касалликлари, кўз касалликлари (2 ўрин).

КЛИНИК ОРДИНАТУРАГА:

Акушерлик ва гинекология (2), қулоқ, бурун ва томоқ касалликлари, ички касалликлар (2), болалар кўз касалликлари, болалар касалликлари (4), юқумли касалликлар, болалар юқумли касалликлари, тери-таносил касалликлари, асаб касалликлари, руҳий касалликлар, сил касаллиги, жарроҳлик (2), болалар жарроҳлиги, асаб жарроҳлиги, болалар асаб жаррохлиги, анестезиология ва реаниматология, урология, соғлиқни сақлашни ташкил қилиш.

СТАЖЕР-ТАДҚИҚОТЧИЛИККА:

Нормал физиология, биохимия, суд тиббиёти, микробиология, анатомия (2), патологик физиология, патологик анатомия, топографик анатомия.

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати — 19 июнгача.

Ҳужжатларни қуйидаги манзилга юбориш керак: 703000, Самарқанд шаҳри, Фрунзе кўчаси, 18-уй, докторантура ва аспирантура бўлими.

«Очиқ хатлар куни»

АҲОЛИ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Жумҳурият Соғлиқни сақлаш вазирлиги халқ саломатлигини тиклаш йўлида янги иш услубларини қидирмоқда. Яқинда шу мақсадда Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ ноҳиясида «Очиқ хатлар куни» ўтказилди.

Унда Яккабоғ район аҳолиси кўплаб хат, сўров ва саволларига жавоблар берилди. Бу ердаги соғлиқни сақлаш муассасаларининг аҳволи мутахассислар томонидан атрофлича ўрганилди ва тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Айниқса, амбулатория-поликлиника тармоғининг қуввати нормадагидан 5 баравар, стационар тармоғининг қуввати эса 1,5 баравар камлиги аҳолини қаттиқ ташвишга солмоқда. Ўн мингдан ортиқ аҳоли яшайдиган Будённий номли совхозда бирорта ҳам шифохона йўқлиги, энг яқин қишлоқ врачлик амбулаториялари 23-80 километргача узоқликда жойлашганлиги ҳақидаги сўровга «Очиқ хатлар куни» иштирокчилари зудлик билан чора кўришга қарор қилдилар.

Районда педиатрия, акушерлик ва гинекологик хизматларнинг жиддий камчиликлари кўрсатиб ўтилди. Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг болалар ва оналарни даволаш-профилактика Бош бошқармаси уни оталиққа олган ҳолда қатъий чора-тадбирлар белгиланди. Бу ерда медицина муассасаларини жиҳозлар билан таъминлаш учун вазирлик фондидан 50 минг сўм пул ажратилди, беморларни керакли дори-дармонлар билан таъминлаш мақсадларига ҳам шунча сўм маблағ белгиланди. Шу йилнинг ўзида яна 2 та «РАФ» маркали «тез тиббий ёрдам» автомашинаси қўшимча равишда ажратилади.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Очиқ хатлар куни»ни жумҳуриятнинг барча вилоятларида ўтказишни кўзда тутмоқда.

Ф. МАНСУРОВА,
Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ва шикоятлар бўлими мудири.

ТАДБИРКОРЛИК

● Тошкент тўқимачилари ишлаб чиқариш чиқиндиларини чиқитга чиқаришмади. Улар Франция, ГФР ва Голландия фирмаларига тароққа илиниб тўпланиб қолган 200 тонна тукни жўнатдилар. Бундай чиқиндилар илгари ахлатга ташлаб юборилардн. Бу тадбиркорлик комбинатга 250 минг доллар даромад келтирди. Бу маблағ электрон-ҳисоблаш техникаси ва чет элда тайёрланган ускуналар учун эҳтиёт қисмлар сотиб олишга сарфланди. Ҳозирнинг ўзидаёқ Тошкент тўқимачилик комбинатнга Америкада ишлаб чиқарилган компьютерларнинг дастлабки туркуми келтирилди.

(ЎзТАГ).

- **«Чотқол»нинг «Геолог»га айланиши**
- **Бутун оила бирга ҳордиқ чиқаради**
- **Бўстонлиқ «жаннати»дан баҳрамандлик**
- **Талабгорлар кўп. Лекин...**

Янги оромгоҳлар

БОЛА РОҲАТИ — ОНА ФАРОҒАТИ

Геолог! Уларни сиз ким деб ўйлайсиз! Шундай боришади-ю кон топишади, эртасига нефть-газ, олтин-кумуш, ичимлик сув ва бинокорлик материаллари қазиб олинаверади, десангиз янглишасиз. Геология тармоғи ишчилари-ю мутахассисларининг меҳнати машаққатли. Тоғу тош, чўлу биёбон кезишади. Ернинг «томири»ни ушлаб кўришади. 1000—3000 метр чуқурликда нималар борлигини «нозик» ускуна-қурилмалар кўмагида чамалашади. Пармалашиб, намуна олишади. Лабораторияларда минг чиғириқдан ўтказишади. Сўнг... яна қанча таҳлил, чама, ҳисоб-китоб, таққослашлардан кейин бир фикрга келишади.

Ўлкамиз ерости маъданларини тадқиқ этиб, жумҳуриятга хизмат қилдириш билан машғул бўлган бу тармоқ ходимлари энди миқиқ дам олиш имкониятига эга бўлдилар. Бўстонлиқнинг Ғазалкент шаҳри биқинида куни-кеча фойдаланишга топширилган «Геолог» соғломлаштириш комплексига биринчилар қаторидан дам олишга келган кишиларни суҳбатга тортамиз.

— Бу ернинг манзараси-ю муолажаларини мақташган эди, — дейди Фарғона геофизика экспедициясидан келган инженер Тоштемиржон Қодиров. — Айтганларича бор экан. Чотқол тоғи манзараси, бу манзилларнинг тоза ҳавоси, даволашдаги табиийлик, замонавий ускуналардан нечоғлик дид билан фойдаланиш бизга манзур бўлмоқда.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган геолог Муқаддамхон Сайфуллаева қуйидагиларни таъкидлади:

— Тошкентдек шаҳри азимда ишлаб юраверибман, бундай жойлар бор экан-у. Мусаффо тоғ ҳавоси, Чирчиқ дарёсининг соғломлаштириш комплекси этакларини ювиб ўтиши, даволашдаги замонавий халқона усуллар — барчаси дардингизни олади.

Дам олишга келганларнинг тан олганича бор, Ўзбекистон Геология мувофиқлаштириш бош бошқармаси раҳбарияти кейинги вақтда ишчи-хизматчилар, мутахассислар эҳтиёжи билан чуқурроқ шуғуллана бошлади. Геология тармоғидаги турли касб эгаларининг саломатлигини тиклаш, яхши дам олиши ҳақида тегишли тадбирлар кўрилмоқда. «Геолог» соғломлаштириш комплекси ўн йилдан буён қуриларди-ю, фойдаланишга топширилиши чўзиларди. Бунинг устига тармоқда ягона «Чотқол» санаторий-профилакторийси ўн икки йилдан буён фаолият кўрсатса-да, ҳозирги талабларга жавоб бермай қолганди. 130 ўринли даргоҳ тор, бунинг устига замонавий-даволаш имкониятига эга эмасди.

Кейинги бир йилда бурилиш бўлди. «Чотқол» санаторий-профилакторийси ёнбошида бир йўла 200 дам олувчи-даволанувчини қабул қила оладиган «Геолог» соғломлаштириш комплекси хизмат кўрсата бошлади. Соғломлаштириш комплекси директори Камол Алимовнинг ҳикоясидан маълум бўлишича, бу ерда даволаш ва дам олишни пухта уюштиришга аҳд қилинган. Бош ҳамшира Муяссар Ҳолиқова, терапевт-врач Тоҳир Ғуломов, Василий Конотоп, Назира Камолиддинова, Фарида Қурбонова, Миртилла Содиқов каби мутахассислар даволаш ишларидаги ўз бурчларини масъулият билан адо этиб, дам олувчилар эътиборига сазовор бўлишяпти.

Соғломлаштириш комплексида дам олишни кўнгилли уюштириш билан бирга даволашга ҳам алоҳида эътибор қилинади. Юрак ва асаб касалликлари бор кишилар Ватанимизда ишлаб чиқарилган ҳамда ҳориждан келтирилган тиббий техника воситалари ёрдамида даволанишмоқда. Шам, шифобахш балчиқ, ваннада даволаш, буғ ёрдамида муолажа қилиш дардан фориғ қилади. Ошқозоничак касалликларига чалинган беморлар минерал сув ва доривор ўсимликлар дамламалари ёрдамида муолажа қилинади. Бунинг учун янги имкониятлар ҳам ишга солинади. Шу ернинг ўзида пармалаш ишлари олиб борилди. 1550 метр чуқурликдан шифобахш минерал сув чиқди. Ҳадемай шу сувдан ошқозон-ичак касалликларини даволаш йўлга қўйилади.

Бўстонлиқ — жаннатмакон даргоҳ. Бу кенгликнинг тоза об-ҳавоси-ю мусаффо суви, гўзал табиати-ю шифобахш ўсимликлари Сочи, Ялтадан қолишмайди. Писком водийсида 100 хилдан мўлроқ доривор гиёҳлар ўсади. Бу гиёҳлардан дамлама тайёрлаш ва уни даволашда қўлланиш мўлжалланмоқда. Шу атрофдаги доривор ўсимликлардан баҳраманд бўлган асалари ҳосили, молу қўйларнинг сути ҳам соғломлаштириш комплексида кенг қўлланилади. Эрталаб бир қошиқ асал, тушликда бир стакан қимиз, кечқурун бир пиёла қатиқ берилади.

«Геолог» раҳбарияти ўз мўлжалини кўламли белгилаган. «Бола роҳати — она фароғати» деган халқ нақлига амал қилишяпти. Яқин вақт ичида алоҳида кишиларнигина эмас, оилаларни ҳам бир йўла дам олдиришга кўчилади. Оила-оила бўлиб келувчилар учун коттежлар қурилган. 3-7 ва 7-12 ёшли болалар ҳамда ўсмирларни икки группада қабул қилишга мўлжалланган. Дам олишнинг бу тарзда йўлга қўйилиши оналарга қулайлик яратади.

Бу ерда даволанишга орзумандлар кўп. Қардош жумҳуриятлар, ҳатто ҳорижий мамлакатлардан ҳам талабномалар бор. Лекин соғломлаштириш комплекси маъмурияти ўз режасига эга. Ҳозирча «Геолог» Иттифоқимиз миқёсида тармоқ ходимларининг ягона соғломлаштириш комплекси экан, унда дастлаб жумҳурият геология тармоғи ходимлари дам олсин. Кейин Бўстонлиқ райони, Тошкент вилояти ва бошқа вилоятларимиз меҳнаткашларига йўлланмалар сотилади. Шу эҳтиёжлар қондирилгач, бошқа минтақалардан тушадиган талаблар ўзаро шартномалар асосида қондирилади.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ,
Тошкент вилояти, Ғазалкент шаҳри.

Футбол

ЮТУҚ КАЛИТИ ҲУЖУМКОРЛИКДА

ЎЙИНЛАР ВА ҲИСОБЛАР

1. Аргентина — Камерун	0:1
2. СССР — Руминия	0:2
3. Италия — Австрия	1:0
4. Бирлашган Араб амирликлари — Колумбия	0:2
5. АҚШ — Чехословакия	1:5
6. Бразилия — Швеция	2:1
7. ГФР — Югославия	4:1

(Биринчи рақамлар дастлабки ўйинлар тартибини билдиради).

ЭРТАГА жаҳон биринчилиги «пойгасида» икки беллашув бўлади. Шулардан бири Аргентина — СССР терма командаларининг учрашуви бўлиб, чарм тўп мухлислари эътиборини тортмоқда. Бу табиий, албатта. Иккала команда дастлабки учрашувда мағлубиятга учради. Жаҳон чемпионлари — Аргентина футболчиларининг Камерун терма командасига ютқазиши ҳамон кенг шарҳланмоқда. Мағлуб командалар иккинчи учрашувда ўзларини ўнглаб олиши учун бор имкониятни ишга соладилар, деган гаплар юрибди. Буни ўйин кўрсатади.

Совет Иттифоқи футболчилари биринчи учрашувда икки очко йўқотишди. Жаҳон биринчилиги мусобақаларидан олдин командамиз аъзолари халқаро учрашувлар ўтказишди. Уларда ҳужумда бир қатор тартиб бўлса ҳам, ҳимоячилар кўпинча қўпол хаталарга йўл қўйишганлиги кўзга ташланди. Руминия терма командаси билан беллашувда ҳам яна ҳимоячиларимиз баҳамжиҳат ўйнашолмади.

Руминия футболчилари устози Еней зътирофича, унинг командаси яна кутилмаган натижаларга эришиши мумкин. Ҳатто, кучли коллективларни ҳам доғда қолдира оладилар. Саралаш ўйинларида Дания командасидек кучли рақибни енгиб ўтилганлиги ҳам шундан далолат.

Кутилганидек ўйин шиддат билан бошланди. Биринчи бўлим совет футболчиларининг устунлиги билан ўтди. Иккинчи минутдаёқ Протасов ҳисобни очиши мумкин эди. Бироқ руминияликлар дарвозабони маҳорат кўрсатиб, тўпни қайтарди. Сўнгра Заваров, Алейников ҳам имкониятларини бой беришди. Қирқ иккинчи минутга келиб, ҳисоб очилди. Жарима майдонига кириб борган ҳужумчи Лэкэтуш Р. Дасаев қўриқлаётган дарвозани аниқ мўлжалга олди.

Иккинчи бўлимда ҳам руминлар қарши ҳужумни ўрнига қўйишди. Майдон марказидан ўтиб, тўпни жарима майдонга тез-тез оширишлар ҳимоячиларимизни шошириб қўйди. 57-минутда Лэкэтуш ҳисобни 2:0 га ўзгартирди. Бонси Хидиятуллин жарима майдонидан узоқроқда тўпни ушлаб қолди. Уругвайлик ҳакам Карделлино эса негадир ўн бир метрли жарима тўпи белгилади...

Илк учрашув ҳақида нима дейиш мумкин? Совет футболчилари 90 минут давомида бир текис ўйин кўрсатолмадилар. Қанот бўйлаб ҳужумлар уюштирилмади. Ҳар-бир тўп учун курашиш хислатлари унчалик намоён бўлмади. Бу билан ўйинчиларимиз имкониятлари етарлимас, демоқчимасмиз. Текис йўлда ҳам от қоқилади, дейишади. Начора, энди жаҳон чемпиони Аргентина ўйинчилари билан баҳсга умид боғлаймиз. Зеро, мағлубият аламини тортган иккала командага ҳам очко ҳаводек зарур. Ҳар ҳолда ўйин шиддатли бўлиши аниқ.

Мусобақанинг иккинчи ва учинчи кунлари ўтказилган ўйинларида ҳам командалар ҳужумкорлик руҳини кўрсатишди. Колумбияликлар Бирлашган Араб амирликлари командасини 2:0 ҳисобида енгишди. 1994 йили жаҳон биринчилиги ўтказиладиган мамлакат — АҚШ футболчилари ҳам яшил майдонга тушишди. Улар Чехословакия футболчиларига қарши тўп сурдилар. Учрашувда ишқибозлар дарвозаларга йўлланган олти тўпнинг гувоҳи бўлишди. Чехословакия футболчилари 5:1 ҳисобида ғалаба қозондилар.

Бразилия — Швеция ва ГФР — Югославия командалари баҳси ҳам ғоят қизиқарли ўтди. Чемпионлик унвонига даъвогар бразилияликлар қандай услубда ўйин кўрсатишади? Ҳимоя ва ҳужум чизиғида қандай янгиликлар қўллашади? Бу саволлар тўлиқ жавобсиз қолгандек. Шундай бўлса ҳам Жанубий Америка қитъаси вакиллари 2:1 ҳисобида устун келиб, икки очколик бўлишди.

ГФР — Югославия баҳси жадвалдаги ўринлар тақсимланишига таъсир кўрсатишини олдиндан башорат қилинган эди. Ғарбий Германия вакиллари биринчи бўлимда икки тўп киритиб, олдинга чиқишди. Биринчилик совринларига даъвогар ГФР командаси 4:1 ҳисобида ғалабага эришди.

Италия яшил майдонларидаги беллашувлар қизғин тус олаётир. Бугун икки учрашув ўтказилади. Майдонда Бельгия — Жанубий Корея ва Голландия — Миср, 13 июнда Уругвай — Испания футболчилари куч синашадилар. Бу ўйинлар билан гуруҳлардаги биринчи тур ўйинлари якунланади.

Ҳ. НОСИРОВ,
Ҳ. СУЛТОНОВ.

ИШҚИБОЗ ЕН ДАФТАРИГА

ЎТМИШИМИЗГА БИР НАЗАР

● Жаҳон биринчилигида дарвозага ким юзинчи тўпни йўллаган? 1934 йили бундай қувончдан швециялик ўйинчи Йонсасан бахраманд бўлган. Орадан йигирма тўрт йил ўтгач, 1958 йили ГФР футболчиси Ран жаҳон биринчилиги, да дарвозаларга киритилган 500-тўпнинг муаллифи бўлди. 1978 йили биринчиликда умуман мингинчи тўпнинг дарвозага йўллаганлиги қайд этилди. Голландиялик Ренсенбринк ишқибозлар олқишига сазовор бўлиб, мингинчи тўпнинг муаллифи сифатида эътироф этилган.

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ УЧРАШУВЛАРДА

● Инглиз футболчиси Херст совринининг ҳал қилувчи баҳсидаги ўйинда энг кўп тўп киритган футболчидир. У 1966 йили ГФР терма командаси дарвозасини уч марта аниқ мўлжалга олди.

● 1958 йили Бразилия ва Швеция командалари финал учрашувда куч синашдилар. Бразилияликлар 5:2 ҳисобида устун келишди. Ҳозирча бу ҳисоб финал баҳсида энг кўп тўп киритилган ўйин ҳисобланади.

(«Совет Ўзбекистони»нинг навбатдаги сони 14 июнда чиқади).

Муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ПРЕЗИДИУМИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси физиология институтининг директори БЎШ ЛАВОЗИМИГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИГА ЭГА БЎЛГАН ШАХСЛАР КОНКУРСДА ИШТИРОК ЭТИШЛАРИ МУМКИН.

Конкурс қатнашчилари қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар: кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, 4 та фотосурат, таржимаи ҳоли, олий ўқув юртини битирганлиги ва илмий даража берилганлиги тўғрисидаги дипломларнинг нусхалари, меҳнат жамоаси, ёки бошқа орган, ташкилот томонидан номзодга кўрсатилганлиги тўғрисидаги қайднома.

Номзод кўрсатиш ҳуқуқи Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Президиуми ва Биология фанлари бўлими, бошқа илмий муассасалар ва олий ўқув юртларининг илмий кенгашлари, жамиятлар ва уюшмаларнинг ваколат доирасига киради.

Конкурс муддати — 3 нюлгача.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Гоголь кўчаси, 70-уй, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Президиуми, Биология фанлари бўлими, телефон 33-32-83.

●

ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимининг

САБЗАВОТ-ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

«Вируссиз ўтқазиладиган картошка» (биотехнолоғ ихтисоси бўйича — 1 та ва Наслчилик ва ҳужайралар селекцияси (2) лабораторияларининг **илмий ходими** бўш лавозимларига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — 19 нюнгача.

Масканимиз: Тошкент вилояти, Тошкент ноҳияси, Кўксарой алоқа бўлими, Ўзбекистон сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти. (487, 465, 474-автобусларнинг «Институт» бекати.

ТЕАТР

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/VI да **Майсаранинг иши,** 13/VI **Фармонбиби аразлади.**

Ўзбекистон жумҳурият, Тошкент шаҳар ва вилоят уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашлари Жумҳурият уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашининг раиси, СССР халқ депутати Р. Ғ. Ғуломовга ўғли **БАХТИЁРнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Политехника институти раҳбарияти, партия ва касаба уюшмаси қўмитаси институтнинг ўқув илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси директори, физика-математика фанлари доктори М. Т. Нормуродовга отаси **Нормуродбобо ТОҒАЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Иттифоқ жумҳурият ўрмон хўжалик ишлаб чиқариш бирлашмаси «Ўзбек ўрмон» жамоаси Самарқанд ўрмон хўжалик бирлашмаси директори Ў. Ж. Жамоловга онаси **Ойжамол ТУРСУНОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги собиқ Ўзбекистон ССР Маориф вазирлигида вазир муовини бўлиб ишлаган **Илёс Каримович РАҲИМОВнинг** вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари вазирлиги коллегияси партия комитети ва касаба уюшмаси вазирнинг собиқ ўринбосари **Собир Камолович КАМОЛОВнинг** вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

«Ўзтрансхизмати» жумҳурият ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси бирлашма бош устаси А. Ходжамовга отаси **Султон ХОДЖАМОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 10087. № 134. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12